

МУСТАҚИЛЛИК

ХУЖУК

ДЕМАКДИР

YURIDIK GAZETA

УЛУҒЛАР ТАВАЛЛУДИ

Ўтган ҳафтада юртимизда қўшалоқ байрам нишонланди. Муқаддас Туркистон заминининг икки сўлим гўшасида - гўзал Фарғона ҳамда қадим ва ҳамиша навқирон Самарқанд яна бир бор сайлгоҳга айланди. Улуғ аждодларимиз Бурхониддин ал-Марғиноний ва Абу Мансур ал-Мотуридий таваллуд топган гўшаларда ажойиб байрам тантаналари бўлиб ўтди.

Эрталабданок Фарғона тайёра-гоҳида янграган карнай-сурнай са-долари пешма-пеш ташриф бую-раётган хориклик меҳмонлар, оли-му фузалолар, дин пешволарини фикҳ илмининг буюк султони Бурхониддин ал-Марғиноний таваллу-дининг 910 йиллиги тантаналарига қорлай бошлади.

Меҳмонлар дастлаб алломанинг киндик қони тўкилган Риштон туманига ташриф буюришди. Риштон-ликлар буюк ҳамюртлари тўйига юртимиз мустақилликка эришган-дан буён тайёргарлик кўришди, десак муволафа бўлмайди. Туман марказидаги маданият ва истиро-ҳат боғи қайдан бунёд этилди. Буюк зот тугилиб ўсган Дахбет киш-логидидаги қабристонда улкан мақ-барა қад кўтарди. Соҳиб Хидоя номи билан машҳур бўлган бу хоти-ра мажмуида аллома руҳи покига Қуръон тиловат қилинди.

Шундан сўнг тантана қатнашчи-лари ёш Бурхониддиннинг бундан тўққиз аср илгариги изидан бориб, Марғилон шаҳрига ташриф бую-ришди.

Марғилон номини дунёга маъ-лиму машҳур қилган алломалар орасида Бурхониддин ал-Марғино-нийнинг олдида тушадигани топи-маслиги аён. Мана шу зоти мубо-рак, фикҳ илмининг буюк султони шарофати билан шаҳарда кўзлар қувонадиган, ажиб тароватли гўзал ва файзли маскан барпо этилди.

Туркий халқларнинг қадимий одатига биноан қутлуг маърақага ташриф буюрган меҳмонларга ош тортилди. Машварат иштироки-лари аллома тўйининг ташкилотчи-си ва амалга оширилган ишлар ил-ҳомчиси мамлакатимиз Президен-ти Исро Каримовни зўр тантана-лар билан қутиб олдилар.

Олти устун мардона тутиб тур-ган Кубба пойида мажмуанинг очи-лишига бағишланган тантанали йи-гилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни Фа-ргона вилояти ҳокими А.Отабоев очди. Ўзбекистон Президенти тан-тана қатнашчилари олдида Бурхо-ниддин ал-Марғинонийнинг юрти-миз минг йиллик тарихида тутган ўрни, илмий меросининг жаҳоншум-ул аҳамияти ҳақида нутқ сўзлади. Тантаналарда сўз олган Марғилон шаҳар бош имом-хатиби Собир қори Эминов, Фарғона Давлат универ-ситети талабаси Хушнуд Хайдаров, Миср Араб Республикаси қўлзма-лар Маркази директори Юсуф Зай-донлар юртимизда қадриятларни тиклаш, буюк алломалар руҳи по-кини улуғлаш, илмий меросини қай-тариш борасида катта ишлар амал-

га оширилаётганлиги ҳақида тўлкин-ланиб гапирдилар.

Меҳмонлар ана шундай салобат-ли, бетакрор мажмуага қадам қўйишди. Шу ернинг ўзида «Бурхо-ниддин ал-Марғинонийнинг жаҳон фани ва маданияти тараққиетида тутган ўрни» мавзусида халқаро ил-мий-амалий конференция бўлиб ўтди. Конференция ишида дунёда-ги таниқли шарқшунос, исломшу-нос олимлар маърузалар билан чи-қишди.

Кўҳна Самарқандга ҳар кун қан-чалаб сайёҳлар, зиёратчилар таш-риф буюришади. Бу қутлуг заминга ташриф буюрган меҳмонларни са-марқандликлар ўзгача эҳтиром, ўзгача тақаллуф билан қарши оли-шди.

Меҳмонлар эрта тонгданок ша-ҳарнинг қунчиқарида, калом илми-нинг пешвоси Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йил-лиги шарафига барпо этилган ёдгори-лик мақбара-мажмуида йўл олиш-ди. Бу ерда ҳам дастлаб ўзбекона удумга биноан дастурхонга ош тор-тилди. Аллома руҳига атаб Қуръон тиловат қилинди.

Тантаналарда иштирок этиш учун ташриф буюрган мамлакатимиз Президенти Исро Каримов мақба-ра-мажмуини зиёрат қилиб, бу ерда қисқа вақт ичида амалга оширилган ишлар билан танишди. Сўнг Юртбо-шимиз йиғилганлар ҳузурида Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таъли-моти, унинг бой мероси ҳақида нутқ сўзлади. Хорижлик меҳмонлар ва республикаимизнинг турли вилоят-лари вакиллари аллома мақбара-мажмуини, барпо этилган сўлим хиёбонни беҳад ҳаяжон билан то-моша қилишди.

Аллома тўйига ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар мустабиб ту-зум даврида унутилаёзган аждод-ларимизга бугун буюк эҳтиром кўрсатилаётганидан, юртбошимиз раҳнамолигидаги улкан ўзгаришлар-дан мамнуният билдирдилар. Айни шу ерда «Имом ал-Мотуридий ва унинг ислом фалсафасида тутган ўрни» мавзусида илмий-амалий ан-жуман ўтказилди. Анжуманда дунё-нинг 30га яқин мамлакатлари ва-киллари қатнашдилар.

ТАШРИФИНГ МУБОРАК, МОҲИ РАМАЗОН!



Иймон макон қилган қалблар кириб келаётган рамазонни орзиқиб кутмоқда.

Рамазон. Баракотли ва файзли бу ойда инсо-ниятни икки дунё саодатида элтувчи, ҳидоят йўлини кўрсатиб берувчи оятларни ўз ичига олган илоҳий ва муқаддас китоб Қуръони Карим нозил бўла бошлаган.

Пайғамбаримиз Муҳаммад сазаллоҳи алайҳи васаллам рамазон ойида қилинган яхши амаллар эвазига улкан савоблар ёзилажаги, бу ойда ихлос ва эътиқод билан рўза тутган кишиларнинг ўтмиш гуноҳлари кечирилиши, уларнинг қилган дуолари ижобат бўлиши ҳақида башорат қила-дилар. Пайғамбаримизнинг ушбу муборак башо-ратларига муяссар бўлишдек улуғ неъмат фа-қатгина Рамазон ойида мавжуд. Кечаларнинг афзали бўлган Лайлатул-қадр (қадр туни) ҳам шу ойда яширинган.

Аллоҳга шукрлар бўлсинки, бу йилнинг рама-зон ойи билан ҳам омонликда юз кўришиб турибмиз. Рамазон иймонли қалб эгалари учун байрам, улар бу ойни қувонч ва орзиқиш билан қарши оладилар.

Бугун барча мусулмонлар ихлос ва эътиқод билан туташган, фарз ибодат деб билган Ра-мазон ойининг рўзаси бизга Пайғамбаримизнинг Маккадан Мадинага ҳижратларининг иккинчи йилида фарз қилинган.

Биз—уммати Муҳаммадий рамазон ойида ўттиз кун рўза тутшига буюрилганмиз. Иймон-ли қалб эгалари рўзани Аллоҳ буюргани ва унинг ризолиги учунгина тутадилар.

Агар рўза ва унинг фазилатлари ҳақида ҳам-мамиз ҳам билганимизда эди, рамазон рўзасини тутмаган, Лайлатул-қадрнинг нечоғли қадрли кун эканлигини ҳис қилганимизда эди, қадр ту-нини бедор ўтказмаган киши бўлмасди, орамиз-да.

Рўза шундай ибодатки, унинг замирида инсон иродасини мустаҳкамлаш, уни маънавий қамол

топтириш, сабру қаноатга ўрганиш, шайтоний орзу-ҳавасларга чек қўя билишга одатлантириш каби мақсадлар мавжуд. Булар биз инсон фар-зандларининг ожиз ақли фаҳмлай оладиган жи-ҳатлари, холос.

Рўзадорлик замирида инсониятни саодатманд қилувчи, уни қамолотга етакловчи беҳисоб ило-ҳий фазилатлар ва ҳикматлар борки, улар ёлғиз Яратганнинг ўзигагина аён.

Рўза киши сабр-тоқатини синовчи бир имти-ҳондир. Сабр киши матонатини оширади, унга руҳий куч ва қувват бахш этади. У инсонни олижанобликка, юксакликка ундайди. Зеро, сабр Пайғамбаримиз марҳамат қилганларидек, ий-моннинг ярмидир.

Рўза ва унинг фазилатлари ҳақида қанча гапирсак ҳам адоғига етолмаймиз.

Бу йил XX асрнинг охириги Рамазон рўзасини тутшига мушарраф бўламиз. Биласек, бу даврда ўтаётган аср бизга нима берди-ю оstonаmизда турган янги минг йиллик нима-лар ваъда қилаёт-гани ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўриш имкониятига эга бўламиз. Не бахтки, қуллик ва тутқунлик занжирларидан қутулиб, учинчи минг йилликка озод руҳ, покиза иймон ва яхши ниятлар билан қадам босиш бизга насиб этмоқда. Яна шунинг учун бахтлиликки, мустақиллик шарофатида ватанимизнинг буюк келажаги учун, халқимиз-нинг бахт-саодати учун курашининг янги уф-қлари юз очмоқда. Бу яхши ниятларимиз Рама-зон шарофати ила ҳудди офтоб янглиг, ҳудди ўн тўрт кунлик ойдек бизни тобора ўзига қорласа не ажаб.

Зероки, савоблар рамазон ичига йиғилгандир ва тоат мақбулдир, дуо мустажобдир ва гуноҳ-лар кечирилгандир ва жаннат рўзадорларга муш-тоқдир.

Барчамизга файзли ва фазилатли Рамазон муборак бўлсин!

Фазилат ЁДГОВА

Ушбу сонда

ТОМОШАБИН БЎЛИБ
ТУРОЛМАЙМИЗ

Сурхондарё вилоят проку-
рори Б.Нурмухамедов
билан суҳбат. 3-бет.

ЖАМИАТНИ ЕМИРУВЧИ ИЛЛАТ

ПОРА
БЕРГАНМИСИЗ?

5-бет.

«ТЕРРОРЧИ»
ТАЛАБИДАН ВОЗ
КЕЧДИ

7-бет.

«**HUQUQ**»

YURIDIK GAZETA

Ta'sischiilar

O'zbekiston Respublikasi
prokuraturasi,
Toshkent shahar va Toshkent
viloyati prokuraturalari,
«Qonun himoyasida»
jurnali

Bosh muharrir:

A.ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,
Komiljon, Ismoilov,
Botir Po'latov,
Baxtiyor Nazarov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Dilshod Islomov
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Zayniddin Mamadaliev

Gazeta Davlat matbuot
qo'mitasida №00150 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri,
akademik Yahyo G'ulomov
ko'chasi, 66-uy.

Tелефон: 133-82-34

E-mail: huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'lyozma
va suratlar egalariga
qaytarilmaydi.
Mualliflarning fikrlari
tahririyat fikridan farqlanishi
mumkin. Gazetada bosilgan
fakt va dalillar uchun
muallif mas'ul.
Nashrimizdan ko'chirib
bosilgan «Huquq»dan
olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar ** belgisi ostida
chop etiladi.

Gazeta andozasi tahririyat
kompyuter markazida
Pentium-II MMX - 333
kompyuterida sahilalandi.
Sahifalovchi B. SAIDOV
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa
konserni boshmaxonasida ofset
usulida A-3 formatda
chop etildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Taron ko'chasi, 41.

Buyurtma Г - 1049
Nusxasi — 12925

Bosmaxonaga topshirish
vaqti 20.00
Bosmaxonaga
topshirildi 21.00

Gazeta haftaning chorshanba
kunlari chiqadi

Navbatchesi muharrir
Sh. YODGOROV
Navbatchesi: N. MAHMUDOV
Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

КАДРИЯТ

МИЛЛИЙ ИФТИХОР РАМЗИ



Истиқлол берган неъматлардан бири - ўтмиш аждодларимизнинг абадиятга дахлдор меросларини ўрганиш, қайта ёд этиш ва маънавий ҳаётимизга татбиқ этиш имкониятига эга бўлганлигимиз десак муболага бўлмайди.

Турон замин қадимдан алломалар юрти саналган. Бу юртдан етишиб чиққан буюк алломаларнинг саногига етиш мушкул вазифа бўлгани сингари уларнинг инсониятга қолдирган буюк мерослари ҳам бекиёсдир.

Инсоният, ҳусулдан Мусулмон олами учун буюк хизматлар қилиб, ўзидан ўлмас мерос қолдирган алломалардан бири Бурхониддин ал-Марғинович ҳазратларидир.

Бурхониддин ал-Марғинович «жонли Қуръон» (қори), муҳаддис, фикх-шунос бўлиш билан бирга дунёвий илмлар бўйича ҳам замонасининг етук олими эди. Ул зот, хусусан, етук адабиётшунос ва шоир бўлганлар.

Тарихий манбаларда Марғинович кўринишида тилга олинган ҳозирги Марғилон шаҳри яқинида таваллуд топган аллома - Али ибн Абубакр ибн Абдулҳалил ал-Фаргоний ал-Рошидоний ал- Марғиновичий ўзидан «Китоб мажма ан-навотил», «Китоб ал-фароиз», «Бидоят ал-мубтадий», «Маносик ал-ҳаж» каби кўплаб ислом фикхшунослигига оид асарларини бизга мерос қолдирган. Бироқ алломани ислом дунёсига машҳур қилган асар «Хидоя-я-дир. Мазкур асар юқорида номи қайд қилинган «Бидоят ал-мубтадий»нинг кенгайтирилган ва махсус шарҳлар билан бойитилган шакли бўлиб, асарнинг тўла номи «Хидоя фи шарҳ ал-Бидоя» деб юритилади. «Хидоя» ислом қонуншунослигининг мукаммал манбаларидан бири ҳисобланиб, мусулмон ҳуқуқ тафаккури тарихига доир қимматли материалларни ўзига жамлаган. Бурхониддин ал-Марғиновичнинг ушбу асари исломий ақида-лар билан биргаликда одамларнинг кундалик турмуш тарзи, удумлари, маънавий-ахлоқий жиҳатларини ҳам қамраб олган ўзига хос қомусий тўпلامдир.

«Хидоя»нинг яна бир ўзига хос жиҳати шуки, унда унга қадар яратилган фикҳга оид асарларда унчалик қузатилмаган ҳолат, мавзуларни система-лаштиришга бўлган уриниш яққол сезилиб туради. Исломининг асосий арконлари — намоз, закот, ҳаж ҳақида ёзилганларнинг ҳар бири алоҳида боблар шаклида келтирилган. Шунингдек, бошқа шаръий ҳуқуқлар — талоқ, қасам, жазо, вақф, олди-соти, пул айирбошлаш, қадиллик, ғувохлик, давғогарлик, омонат, инъом, ижара, мерос, шериклик мол, васият каби инсоннинг бевосита қўндалик ҳаётий ахтиёрларидан келиб чиқувчи ҳуқуқий масалалар ҳам алоҳида-алоҳида бобларда тавсиф қилин-ган. Шу сабаблар боис, «Хидоя» ёзилган вақтидан бошлаб то ҳозиргача исломдаги ҳуқуқий мезонларни ўзига мукаммал ҳолатда жамлаган асар сифатида қўлланиб келинмоқда. Асар мадрасаларда асосий дарслик, қозихоналарда эса бир бутун кодекс вазифасини ўтаган. Бу асарга турли олимлар шарҳ ёзганлар, хаттотлар томонидан кўплаб нусхалар кўчирилиб, ислом дунёсининг чека нуқталарига қадар етиб бориши таъминланган. Табиийки, муаллиф ушбу асарини ўша даврда илмий тил ҳисобланган араб тилида яратди. Кейинчалик «Хидоя» турли мусулмон халқлари тилла-рига, хусусан ўзбек туркчасига ҳам маҳорат билан таржима қилинди.

Фикх илмининг билимдони, мағрибу машрида машҳур бўлган ватан-дошимиз Али ибн Абубакр ибн Абдулҳалил ал-Фаргоний ал-Рошидоний ал-Марғиновичий 1123 йил 23 сентябрда Рошидон (Риштон)да таваллуд топди. У дастлабки илмни Риштонда ва Марғилонда олиб, кейинчалик ўша даврларда мўътабар илмий марказ ҳисобланган Бухоро ва Самарқандда таҳсилни давом эттирди. 25 ёшигача ўз даврининг мадраса илмларини мукаммал эгаллаб бўлган эди. Олимининг улуг фақиҳ бўлиб етишишида шариат назариётчилари Абу Ҳанифа, Муҳаммад аш-Шайбоний, айниқса, Имом ал-Қудурийларнинг маънавий таъсири катта бўлган.

«Хидоя» нафақат мусулмон ҳуқуқшунослари, балки Европа ҳуқуқшунос олимлари учун ҳам эътиборли ҳуқуқий манба сифатида хизмат қилиб келмоқда.


Абу Тоҳирхўжа ўзининг «Самария» асарида аллома дафн қилинган жой хусусида тўхталиб, шундай маълумот бериб ўтади:

«У киши (Бурхониддин ал-Марғиновичий) ҳижрий 593 йил сешанба кечаси 14-зўлҳижжа ойи (1197 йил 29 октябрь)да ёруғ дунёдан тупроқ маҳалласининг қоронғулик хонасига кўчди, унга тангрининг раҳматлари бўлсин. Бурхониддин Марғиновичийнинг қабри Чокардиза қабристониди... Чокардиза қабристони шаҳар ичида, кўнчиқар томонда, шаҳарнинг бир чеккасидир».

Табарруқ юртимиздан етишиб чиққан алломалар ҳаётини ўрганиш шуни кўрсатдики, аждодларимиз ўз даврида инсоният маънавий-маданий муҳитига қучли таъсир ўтказишга олинган.

Уларнинг ҳаётини, асарларини чуқур ўрганиш, оммага маълум қилиш замонавий ҳуқуқий маданият, маънавиятни шакллантиришда улкан аҳами-ят касб этиши шубҳасиздир.

Шавкат ЁДГОРОВ



Болалар ҳайратланишга мойил бўладилар. Ўқувчилик йилларимиз-да тарих муаллимимизнинг Иван Грозний, Пётр биринчи, Дмитрий Донской ҳақидаги ҳикояларини жон қулогимиз билан эшитганмиз. Кўнгилда қизиқиш бор эканки, савол ўзани миллиятга қараб бурилади. Ўқувчимиз табассум билан гапни олиб қочади: Кулиқово деган қишлоқ яқинида бўлиб ўтган жанг-нинг тарихий аҳамияти ҳақида сўзлайди.

Бу мустақиллигимизнинг ўнинчи йили кетаётган, миллатимизнинг «буюк» фарзандлари Бурхониддин ал-Марғиновичий таваллудининг 910 йиллиги, Абу Мансур Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги нишонланаётган дамлардаги ўйларим. Ушбу саҳраларни ўқиб айримлар «яна тарихга тош отиш экан-да» дея аф-тини бужмайтиришни сезиб ту-рибман. Маъзур тутинг, бунда биз-га нуқул ўзга миллатнинг буюк шах-слари ҳақида ҳикоя қилувчи ўқитув-чимизни айблаш ниятим йўқ. Жа-лолиддин Мангуберди, Амир Те-мур каби саркардаларимиз, Имом Бухорий, Аҳмад Фаргоний сингари олимларимиз, юқорида номи тилга олинган алломаларимиз миллий му-стақилликка эришганимиздан кей-ингина кўпчиликка маълум бўлга-ни, мамлакат микёсида қадр тонга-ни хусусида сўзламоқчиман, холос. Ваҳоланки улар аллақачон олам аро шуҳрат қозонган зотлардир.

Шу кўнларда юртимизда тавал-лудининг 1130 йиллиги байрам қилинаётган буюк аллома Имом Абу Мансур ал-Мотуридий 870-йилда Самарқанд яқинидаги Мотурид қишлоғида таваллуд топиб, 944 йилда Самарқандда вафот этган.

Имом ал-Мотуридий калом ил-мининг асосчиларидан бири бўлган. Калом илми деб диний ақидалар ва уларнинг усулларини ақлий ва на-қлий далилларга таяниб шарҳлаш-га айтади. Калом илми билан шуғулланувчи олимлар мутақаллим-лар дейилади. Буюк мутақаллим Имом ал-Мотуридийнинг ўз даври-да дунё мусулмонлари аро шуҳра-ти шу қадар эдиким, улуг шоир Алишер Навоий «Насойим ул-му-

ҳаббат» асарида ул зот ҳақида: «Шайх Абу Мансур ал-Мотуридий, қуддиси сирруху (унинг қабри му-қаддас заёратгоҳга айлантирил-ган). Ўз замонасининг аълам ула-моси эрмиш. Ул вақт уламолари «Султон ул-муиззин» (иззатли султон) дер эмишлар. Зоҳир ва ботин улумлари билан ораста эр-мишлар. Шайхнинг муборак қабр-лари Самарқанднинг Чокардиза қабристонидир», — деб ёзган эди. Мотуридий ҳазратларининг Жунайд Бағдодий, Мансур Халлож, Шайх Абу Бакр Шиблий, Шайх Абдуллоҳ Ҳафиф каби алломалар билан бир даврда яшаб туриб, уларнинг «аълам уламо» деган эътирофига сазовор бўлиши бу буюк сиймо ҳақидаги тасаввуримизни янада ой-динлаштиради.

Имом ал-Мотуридийнинг номи ҳар доим мўмин-мусулмонларни ҳидоят йўлига бошлаб, динимиз-нинг поклиги учун бузғунчи ва адаш-ган фирқаларга қарши курашган зот сифатида чексиз ҳурмат билан тилга олинади.

Яна мақолаимиз бошидаги мав-зуга қайтаемиз. Ҳар қандай тузум сингари совет тузумининг ҳам яхши ва ёмон жиҳатлари бор, албатта. Ёмон, инсониятга қарши қўйилган жиҳатлари кўп эканки, 1991 йилга келиб бу тузум кулади.

Шу ўринда бу тузумнинг инсо-ниятга қарши бир тadbiri ҳақида сўзламоқчиман. Мустабид тузум даврида, аниқроғи 1948 йили му-сулмон оламидаги энг мўътабар қабристон Чокардиза аҳолига уй-жой қуриш учун бўлиб берилган, неча-неча авлиёлар қатори Наво-ий «қуддиси сирруху» дея таъриф-лаган Мотуридий ҳазратларининг муборак қабри оёқости бўлган эди.

Бугун мамлакат Президенти та-шаббоси билан тикланган Имом ал-Мотуридийнинг маҳаббатли мак-бараси ул зотга халқимизнинг буюк ҳурмат-эътибори, ифтихори ра-мизидир. Имом ал-Мотуридийнинг бебаҳо меросини ўрганиш пайти келди. Ўтмишини ёзёзолаган эл-нинг келажаги порлоқ бўлади.

Ҳасан НИШОНОВ

ВИЛОЯТ ПРОКУРОРИ ҲУЗУРИДА

Прокуратура идораларининг биринчи галдаги вазифаси қонун устиворлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олишдир. Бунда Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари ижросини назорат қилиш алоҳида ўрин тутати. Прокурор назорати қишлоқ ҳўжалиги соҳасига ҳам бар-баробар тааллуқлидир. Вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Бахтиёр Нурмухамедов билан суҳбатимиз шу мавзуда бўлди.

— Бахтиёр Гафорович, Республика ҳукумати қишлоқ ҳўжалигини, хусусан, пахтачиликни ривожлантиришга қаратилган бир қатор муҳим қарорлар қабул қилди. Бироқ уларнинг ижросини қониқарли, деб бўлмайди. Бизни вилоят прокуратураси идораларининг шу борадаги фаолияти қизиқтиради.

— Афсуски, сизнинг фикрингизга қўйилмай иложим йўқ. Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорлар ижросига барча мансабдор шахслар бир хилда масъулият билан ёндашаётти, деб бўлмайди. Худди шунинг учун ҳам тармоқдаги энг муҳим агротехник тадбирлар бажарилишини зарур даражада назорат қилиб боришга тўғри келаётти.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тегишли ҳукумат қарорлари ижроси устидан прокурорлик назоратини таъминлаш мақсадида вилоят прокуратурасида уш маротаба хайъат мажлиси ва ўн саккиз бор тезкор йиғилиши ўтказилди. 28 та ишчи гуруҳи тузилди. 148 марта турли хил текширишлар ўтказилди. Натижада ўнлаб масъул раҳбарлар номига тақдимнома, амрнома ва огоҳномалар йўлланди. Қўплаб айбдор шахсларга нисбатан маъмурий ҳамда интизомий чоралар қўрилди. Бир нечта жиноят иши кўзгатилиди. Ўтказилган моддий зарарларнинг бир қисми ихтиёрий равишда ундирилди. 823 минг сўм моддий зарарни ўндириш тўғрисида эса судга даъво аризалари киритилди. Ўтказилган текширишлар якуни умумлаштирилган ҳолда вилоят ҳокими ва туман ҳокимларига ахборотномалар тақдим этилди.

Афсуски, айрим мансабдор шахслар муҳим агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифати ўтказишга масъулиятсизлик билан қарашади. Бунинг устига ўз айбларини яшириш учун ҳисоботларини сохталаштиришдан, қўзғовимчилик қилишдан ҳам тат тортишмайд.

Сарийосе туманидаги Бобур номида ширкат ҳўжалиги раҳбарлари томонидан йил бўлганда 680 гектар ер шудорланган, деб ҳисобот берилган. Прокуратура томонидан ана шу маълумотнинг ҳаққонлигини текшириб қўрилганда аслида атиги 120 гектар майдон ҳайдалганлиги аниқланган.

Шеробод туманидаги Н.Муродов ва У.Юсупов номида ҳўжалик раҳбарлари ҳам худди шундай қонунбузарликка йўл қўйишган. Мазкур жамоалар бошқарув раислари ва бош ҳисоботларига нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 215-моддаси 1-қисми билан маъмурий ҳўқуқбузарликка доир иш кўзгатиб, ижро этиш учун туман статистика марказларига юборилган.

Узун туманида ерга маъданли ўғит солиш, гўза навларини жойлаштириш, чигит экиш мавсумини белгиланган муддатларда ўтказиш жараёни ўрганилди. Натижада бирорта ҳам ҳўжаликка калийли ўғит тарқатилмагани маълум бўлди. Пахта навлари нотўғри жойлаштирилган, чигит экиш муддати қўзғилиб кетган. Шу боис Б.Омонов, Ж.Эшмиров, К.Алиев номида ширкат ҳўжаликлари бош ҳисоботларига нисбатан тегишли чора қўрилди.

— Айрим мансабдор шахсларнинг ҳам ишларини қўзғилиши аниқланди.

— Бу даврда прокуратура идоралари эътиборини асосан Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йил пахта

қилиб, авайлаб-асраб сақлаш ҳам муҳимдир. Шу ҳақда нимадир дейишингиз мумкин?

— Пахта давлат ва халқ бойлиги. Уни талон-тарож қилиш эса жиноят. Вилоят прокуратураси идоралари томонидан бу борада 17 та текшириш ўтказилди. Ва 6 та жиноят иши кўзгатилиди, 3 та тақдимнома, 17 та амрнома, 4 та огоҳнома киритилди. Бир нечта маъмурий ва интизомий ҳўқуқбузарликка доир иш кўзгатили-

нида ўтказилган текшириш чоғида ёмғир ёғатган бўлишига қарамастан пахта қирмонлари усти очик ҳолда сақланаётганлиги аниқланди.

Вилоятдаги пахта тозалаш қорхоналари ва пахта тайёрлаш масканларида яна шунга ўхшаш қўплаб камчиликлар мавжуд эди. Бундай ноҳуш ҳолатлар эса «Сурхонпахтасанооти» худудий ҳиссадорлик бирлашмаси раиси Ф.Бобоевга қонунни бузишга йўл қўймаслик ҳусусида

гектарини фуқароларга томорқа сифатида бўлиб берган.

— Вилоят прокуратураси идоралари бундан кейин қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги қайси агротехник тадбирлар назоратига кўпроқ эътибор қаратади?

— Барча савий-ҳаракатларга қарамастан бу йил воҳада давлатга пахта ва галла сотиш шартномавий режалари бажарилмади. Бундай ноҳуш ҳолатдан албатта соҳага масъул кишилар тегишли хулоса чиқариб олмақлари лозим. Токи келгуси йили ҳам юзлари шувут бўлиб қолмасин.

Бунинг учун биринчи навбатда галла экишни тезда якунлаш чораларини кўриш талаб этилади. Кейинги энг муҳим вазифа эса пахта далаларини шудорлашдир. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарориди бу тадбирни 15 декабргача тўлиқ тугаллаш зарурлиги ўқдирилган. Ҳукумат қарорини бажариш эса мажбурийдир. Табиийки, прокуратура идоралари томонидан унинг ижроси бўйича назорат тартибиди текширишлар ўтказиб борилади.

— Бахтиёр ака, сизга маълум келмасин, «Прокуратура ўз ишини қилса бўлмайди» Дехқонларнинг ишига арадашиб нима қилади», дегучилар ҳам топилади. Очиғини айтганда, ҳақиқатан ҳам прокуратура идоралари бу йил айниқса пахта йиғим-теримига оид таъминот кўра фаворит қарашди. Буни қандай изоҳлайсиз?

— Келинг, саволингизга мен ҳам очиқчасига жавоб берай. Прокуратура ҳодимларининг бевосита ўз хизмат соҳаларига ҳос иш ва ташвишлари етарли. Бироқ ҳукумат қарорлари ижросини назорат қилиш ҳам бизнинг зиммамизга юклатилган. Қолаверса, пахта ва галла элор қўйиш, халқ ризиқи. Шундай экан, қандай қилиб биз бу хайрли ишдан четда туришимиз мумкин? Қандай қилиб томошабин бўлиб турарми?

Афсуски, хусусан, пахтачиликка доир ҳукумат қарорлари ижроси юзасидан ўтказилган текшириш материаллари таҳлили бу борада жуда кўп камчиликларга йўл қўйилаётганини кўрсатмоқда. Ваҳоланки, аниқланган ҳар бир қонунбузилиш ҳолатларига ҳўқуқий жиҳатдан баҳо бериш лозим. Айбдор шахсларга нисбатан тегишли прокурор таъсир чоралари қўришга тўғри келади. Мақсад пировард натижада қонун устиворлигини таъминлаш, маҳсулот етиштириш бўйича берилган давлат буюртмалари бажарилишига эришиш ва шу орқали юрт равнақи, халқимиз фаровонлигига ҳисса қўйишдир.

Курбон ЖўРАНАЗАРОВ суҳбатлашди

ТОМОШАБИН БЎЛИБ ТУРОЛМАЙМИЗ

Сурхондарё вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Б.Нурмухамедовнинг фикри шундай

ҳосилини йиғиштириб олишни уқшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида-ги ҳамда «2000 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни тугаллаш ва 2001 йил ҳосили учун агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказишга доир кечиктириб бўлмайди» чора-тадбирлар тўғрисида-ги қарорлари ижроси назоратига қаратилди.

Текширишлар жараёнида баъзи бир мансабдор шахслар ушбу қарорларда қайд этилган талаблардан қайсида-да қўзғилиб қолган бўлиши аниқланди. Мисол учун, гўза баргини суний тўқитиш ишларини 20 сентябрдан кечиктирмасдан якунида белгиланган эди. Бироқ, 29 сентябрга қадар шу мақсадда ажратилган 35 минг гектар пахта майдонининг атиги 13 минг 339 гектари дефолиация қилинган, холос. Шу сабабли вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошқаруви биринчи ўринбосари Ш.Ориповга қонунбузилиш ҳолатини дарахл бартараф этиш ҳусусида амрнома берилиб, ундан дефолиация ўтказиш суратларини жадаллаштириш талаб этилди.

Юқорида қайд этилган кейинги қарорнинг учинчи бандида пахта йиғим-теримини тугаллашга доир сафарбарлик чора-тадбирларини амалга ошириш, бир ҳафталик муддат ичида кўрак териш ва чувиш машиналарини таъмирлаш, ишлаш-га шай қилиш ҳамда улардан унумли фойдаланиш чораларини кўриш зарурлиги таъкидланган.

Шеробод туманида шундан кейин ҳам 6 та кўрак териш ва 16 та кўрак чувиш агрегати носоз ҳолича тураверган.

Шўрчи туманида ҳам худди шундай ҳолат юз берди. Оқибатда ҳукумат қарори талабларининг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминламагани ҳамда ўз хизмат бурчига лоқайдлик билан ёндашганили учун Шеробод тумани ҳокими А.Лапасов, Шўрчи тумани ҳокими Ж.Холмуродов, Жарқўрган тумани ҳокими вазифасини бажарувчи Н.Шомуродовга нисбатан интизомий ҳўқуқбузарликка доир иш кўзгатилиди. Уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексининг 181-моддасида назарда тутилган интизомий жазо чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорлар вилоят ҳокимига юборилди.

Вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлиги С.Жўраева эса етиштирилган пахта ҳосилини ўз вақтида йиғиштириб олишда йўл қўйилаётган салбий ҳолатларни тезда бартараф этиш ва қонун бузилишига йўл қўймаслик ҳусусида огоҳнома берилди.

— Дехқоннинг пешона тери эвазига етиштирилган пахта ҳам айниқса талон-тарож қилмасдан, белгиланган меъёлар асосида қабул

ди.

«Шўрчипахта» ҳиссадорлик жамиятининг тайёр маҳсулот бўйича товаршуноси Ибрагим Худойбердиев ихтиёрида бўлган ва унга ишони топирилган пахта толасидан 20250 килограмм камомат борлиги аниқланган. Шу тариқа давлатга 1 миллион 63 минг сўмдан зиёд моддий зарар етказилган. Ушбу ҳолат юзасидан унга нисбатан Жиноят кодексининг 167-моддаси 4-қисми «а» банди билан жиноят иши кўзгатилиди.

«Денопахта» ҳиссадорлик жамияти тайёрлов бўлими бошлиғи, ҳам аш тайёрлаш бўйича раиси ўринбосари У.Раҳабов, шу жамиятнинг маҳсулотчиси И.Нарзиёв ва вилоят «Уруғчилик маркази» назорат бошқармаси Денов лабораторияси бўлим бошлиғи Э.Эргашев узаро жиноий тил бириктириб, хизмат макеидан фойдаланган ҳолда 100 тонна уруғлик чигитга мита тушмаган бўлса-да, мита тушган деи сохта далолатнома тузишиб, техник хом ашё сифатида «Сурхонозиковкат-саноат» қорхонасига юборишган. Улар ўзларининг ана шу хатти-ҳаракатлари билан давлат ва жамият манфаатларига жуда кўп миқдорда моддий зарар етказишган. Мазкур ҳолат юзасидан ҳам жиноят иши кўзгатилиди.

Юри пахта қабул қилиш маскани тарозибони Х.Расулов дехқонлар ҳақиқа ҳиёнат қилган, Икки ҳолатда келтирилган пахтадан 200 килограмм уриб қолган.

«Ҳазорбоб» ширкат ҳўжалигига қарашли пахта қабул қилиш маска-

огоҳнома йўллашга асос бўлди.

— Экин майдонларига нисбатан ҳўқуқсизларча муносабатда бўлаётган, уни талон-тарож қилаётганлар ҳам йўқ эмас. Бундай шахслар ҳам жазосиз қолмас керак, албатта.

— Тўғри, пахта майдонларидан самарали фойдаланиш ўрнига ана шу бебаҳо бойлиқни қаровсиз қолдираётган ёки ундан ўз мақсади йўлида фойдаланаётган, ҳатто уни талон-тарож қилаётган кимсалар ҳам бор. Бундан асло кўз юмиб бўлмайди.

Жумладан, Шеробод туманидаги Тошмурод Ҳўжакулов бошлик «Тадбиркор» дехқон-фермер ҳўжалиги ихтиёрига 100 гектар ер берилган. «Шерободпахта» ҳиссадорлик жамияти билан ана шу майдонларнинг ҳар гектаридан 35 центнердан жами 350 тонна пахта етказиб бериш тўғрисида шартнома тузилган. Шуниси қизиқи, мазкур қорхона ҳисобидан шу мақсадда 3 миллион 933 минг сўм бўнак пули ҳам олинган. Амалда бор-йўғи 25,5 гектар ерга чигит экилиб, 10578 килограмм ҳосил етиштирилган, холос. Бу шартномада кўрсатилганига қараганда қарийб 340 тонна камдир.

Т.Ҳўжакуловнинг бу хатти-ҳаракати қонуний баҳо берилди. Унга нисбатан Жиноят кодексининг 205-моддаси 2-қисми «а» банди билан жиноят иши кўзгатилиди.

Жарқўрган туманидаги Т.Шобуров номида ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси Бахтиёр Бекниёзов эса ўзбошимчилик билан пахта экиш режалаштирилган майдондан 1,90

Суратда: Республика прокуратурасининг қонунларни муҳасамлаштириш ва ҳўқуқ тарғиботи бўлими прокурори О.Умрзоқов «Ҳўқуқ»нинг навбатдаги сони материалларини таҳлил қилмоқда.



Суратда: Республика ҳарбий прокуратурасининг бўлим прокурори, адлия капитани С.Чориев подполковник И. Лутфуллаев сардорлик қилаётган ҳарбий бўлинма хизматчиларини «Ҳўқуқ»нинг янги сони билан таништирмоқда.

ОҒРИҚ НУҚТАЛАР

МУҚАДДИМА ЎРНИДА

*Дарвоза ортидан мўлтирар кўзим,
Онам қимлигини билмайман ўзим,
Йўлакдан ўтганга биринчи сўзим,
Амаки, онамни кўрмадингизми?*

*Саволлар қийнайди бағримни эзиб,
Онам-чи, келмайди борлиғим сезиб,
Отам ҳам юргандир дунёни кезиб,
Холажон, отамни кўрмадингизми?*

*Менда шодлик бору меҳр етишмас,
Алла қўшиғидек сеҳр етишмас,
Дилимда яралар осон битишмас,
Одамлар, онамни кўрмадингизми?*

Бу мисралар бундан бир неча йил олдин ёзилган. Ўшанда ўрта мактабнинг 5-синфда ўқирдим. Мактабдан ташқари болалар иходиий марказидаги (у пайтда «Пионерлар уйи» деб аталарди) Театр тўғрисида қатнардим. Тўғарак раҳбаримиз бошличилигида турли саҳна кўринишларини тайёрлаб, мактаблар, дала шийпонларида ижро этардик. Кўнларнинг бирида қўшни туманда жойлашган меҳрибонлик уйига бордик. Очили, ота-онасиз болалар тарбияланган бундай масканга биринчи марта бўлишим эди.

Яшириб нима қилдим, ўшанда мен билан бирга келган дўстларим қатори бу болаларга яратилган шароит, қўлайликларни кўриб ҳавасим келди. Аммо ўшанда кўрганам бир воқеа ҳали-ҳануз ёдимдан кетмайди. Болалар уйи дарвозасига яқинлашар эканмиз, кўчага термулиб турган болакайга кўзим тушди. Унинг кўзларидан қиммиқир интиқ бўлиб кутаётганини бемалол англаб олса бўларди. У бизга секингина салом берди-да, кўчани кузатишда давом этди...

Тайёрлаб келган барча асарларимизни ижро этиб бўлдик. Болалар бизга қарсақлари билан миннатдорчилик изҳор этишарди. Уларнинг юзларидаги қувонч аломатларини кўриб ростки биз ҳам қувондик. Аммо уларнинг кўзлари...

Мен бутун чиқишларимиз давомида залдан халиги дарвоза олдида учратган болакайни излардим. Негадир у кўринмасди. Тадбир тугаб, ҳаммамиз ташқарига чиқдик. Меҳрибонлик уйи ходимлари, барча болалар бизларни дарвоза олди-гача кузатиб қўйишди. Шунда ҳаммамиз дарвоза олдидаги боғи болакайнинг ҳали ҳам кўчага термулиб турганини кўриб ҳайратланиб қолдик. У бизнинг томошаси ҳам кирмаган экан. Бошқаларни билмадим, лекин менинг кўнглим аллақандай бўлиб кетди. Анчагача уни ёдимдан чиқара олмадим. Ҳатто бир кунни кўнглимга қалам олиб қўрибди-ки шешини ёздим. Лекин ҳамон унинг мунг тўла кўзлари кўзим олдида кетмайди.

МОЗИЙГА ҚАЙТИБ

Бобом Абдураим ота (Аллоҳ раҳмат қилган бўлсин) ҳўп ажойиб инсон эдилар. Махаллада у кишининг ҳурматлари баланд эди. Ҳеч бир тўй - маъража бобомнинг иштирокисиз ўтмасди. Баъзан бирон юмушлари қикиб боролмай қолсалар, тўй эгаларининг ўзлари келиб «Сизсиз бошламаймиз» дея зўрлаб олиб кетишарди.

Қизиги, у кишининг дарвозалари ҳеч қачон беркирилмас эди. Сабаби, тўн ярмида ҳам, тонг еришмай ҳам, ҳуллас, уззу кун бобомни йўқлаб келгүчиларнинг кети узилмасди. Кимдир вафот этган, битта ёки иккита бола қаровсиз қолган, қозон осиғига масаллиқ йўқ, ҳатто баъзан кафанлик ҳам тополмай мурожаат қилганларнинг гувоҳи бўлганам. Бирок бобом ҳамма вақт жамоатчилик билан бирга бу муаммоларни бир зумда ҳал қиларди. Айниқса, махалла одамлари етимларнинг

гамини ер, уларнинг бошини силарди. Ва шунга ҳам айтиш жоизки, бу мурувват фақат фарзандсиз оилалар билан чекланиб қолмасди. Серфарзанд оилалар ҳам етимларни ўз болаларига қўшиб воёга етказишганини кўрганман.

Ҳўш, ҳозир-чи? Назаримда бугун баъзиларимиз ана шундай қадриятларимиздан узоқлашиб кетаётгандекмиз. Тирикчилик, турмуш муаммолари билан ўралашиб қолиб, аτροφимиздаги воқеаларга бефарқ бўлиб қолганмиз. Одамларимиздаги бу каби ўзгаришларни кўпчилик

дан пайдо бўлди? Бир мулоҳаза қилиб кўрайлик. Болалар уйларида битта болани воёга етгунча тарбиялаш учун қанча маблағ сарф этилади. Агар ўша болани бирор оиллага бериб, унга кетадиган маблағни ҳам шу оиллага беришса, менимча ҳар томондан ютилади.

Мен унинг бу мулоҳазасини анчагача ўйлаб юрдим. Охири шу ва бошқа мулоҳазаларга ойдинлик киритиш мақсадида Юнусобод туманида жойлашган Тошкент шаҳар меҳрибонлик уйида бўлдим.

Гули Аббосхонова, Меҳрибонлик уйи бош шифокори:

— Бизда асосан 3 ёшгача бўлган болалар тарбияланади. Уларнинг аксариятини ота-онаси ташлаб кетган, онаси ёки отаси қамалган гўдак-

уйида воёга етиб, ҳаётда ўз ўрнини топган, муваффақиятларга эришган кишилар ҳақида кўп эшитганмиз. Ойлада воёга етган бола мустақил ҳаётга қадам қўяр экан, унга истаъмизми, йўқми, ота-она доим кўмак беради. Вақти келиб оила қургач, бир-икки фарзандли бўлгунча ҳам ота-она кўмагидан фойдаланади. Айниқса, бугунги шароитда бу нарсаси қанчалик муҳим эканлигини айтиб ўтириш зарур бўлмас керак.

Шу ўринда Гули Аббосхонова сўзлаб берган бир воқеани келтириб ўтмоқчиман. Кўнларнинг бирида унинг ҳузурига бир аёл келиб боласини ташлаб кетмоқчи эканлигини айтади. Савол-жавобдан маълум бўладики, бу аёлнинг ўзи ҳам меҳрибонлик уйида воёга етган экан.

ТИРИК ЕТИМЛАР

Г. исмли аёлни танирдим. Унинг маший бузуқлигини, фоҳишалик билан шуғулланишини кўп эшитгандим. Кўнларнинг бирида уни учратиш қолдим. Бироз сўхбатлашдик.

— Турмуш қуриб, бир оиланинг бекаси бўлишни ўйламайсизми?

— Юзаки қулади. Сўнг: — Нималар дейсан? Энди мени ким ҳам оларди?

— Яхши одамлар бор. Фақат сиз бу йўлдан қайтсангиз бас. Ҳаёт ўзидан сизга муруватини кўрсата бошлайди.

— Қани ўша яхши одамлар? Сенинча мен ўз хоҳишим билан шу йўлга кириб кетибманми?

Шундан сўнг у бошидан ўтказганларини гапириб берди. Маълум бўлишча, у мактабни тамома тенгдошлари қатори Тошкентга ўқишга келган. Омади чопиб ўқишга кирган. Кўнларнинг бирида бир йигит билан танишиб қолишган. Ошиқлик ҳаёлларига бурканган, ёшликнинг завқли онларидан маст қиз йигитсиз бир дақиқа ҳам турулмаслигини ҳис этган. Шундай кўнларнинг бирида йигит уни ўз квартирасига таклиф этди. Покиза севги оғушида маст қиз йигитнинг бу таклифиди заррача губор борлигини сезмаган. Оқибатда...

Йигит унга уйланишини, хавотирга ўрин йўқлигини айтиб қизни овутиради. Аммо кўнларнинг бирида кизнинг фарзанд кутаётганлигидан хабар толган йигит осмонга чиқиб кетгандек, ғойиб бўлади. Болани олдириб ташлай деса дўхтирлар сўраган пулни тополмайди. Қишлоққа, ота-онаси бағрига қайтишни эса ҳаёлига ҳам келтирмасди. Шу қўйда фарзанд дунёга келади. У йигитни таниганлардан сўраб-суриштириб, унинг уйини топиб боради. Маълум бўлишча, йигит қиз билан илк танишган кўнларидек оилали бўлган экан. Бундай аянч қисматга рубару келган қиз нимага келганини ҳам унутиб ортга қайтди.

— Ҳозир фарзандингиз ўзингиз биланми?

— Йўқ. Уни болалар уйига топширганман. Ахир ота-онамнинг олдида нихосиз тўғилган бола билан қандай борардим. Ундан кейин ўқишни ташладим. Бир қорхонага қотибқалишга олишди. Охири шу йўлга кириб кетдим.

— Ўғлингиздан хабар олиб турасизми?

— Албатта, ҳозир у кап-катта бола бўлган.

— У сизни шунақа ишлар билан шуғулланишингизни билса кечирармикан?

— Қайдам...

Ушбу воқеани нима учун айтаётганимни ўзим ҳам билмайман. Г.ни оқлаш ниятим йўқ. Фақат Г.га ўхшаш тақдирлар яна қанча? Уларнинг бундай аччиқ қисматлари қасрига меҳрибонлик уйларида неча-неча гўдаклар ота-онаси бўлатуриб тирик етим бўлиб воёга етмоқда. Қолаверса, Г.нинг тақдиридан фарқи ўлароқ жарак-жарак пуллар орзусида ихтиёрий равишда фоҳишаларни ўзига қасб қилиб олганлар орамизда йўқ эмас.

Аммо уларнинг бу қилмишлари қасофатига мурғак қалбларнинг етим қолётганини ҳеч қандай маблағ билан ўлчаб бўлмайди. Шунингдек, улар яшаган кўча, махалла фуқароларининг ҳам диллари ҳўфтон, бошлари эгик бўлиши табиий. Улар қўрган маънавий зарарни моддий жиҳатдан қоплашнинг иложи борми? Қолаверса, ундайларнинг ака-укалари, қариндош-уруғлари йўқми? Улар азият чекишмайдими?

Ҳулосани сиз чиқаринг, муштариф. Фақат бири ҳам бу фоний дунёда бир-биримизга ганимат эканлигимизни, меҳр-оқибат, сабр-қаноат ҳар бир инсоннинг умр безағи эканлигини унутмасак бас.

Жаҳонгир ШАРОФБОВ,
«Ҳўқуқ» муҳбири



ўткинчи баъзи қийинчиликларга тақаш мумкин. Бирок қўйда айни навқирон ёшлик йиллари уруш даврига тўғри келган, мустабид тузумнинг аччиқ кўнларини бошидан кечирган Солижон ота Болтаевнинг сўзларидан ўзингиз ҳулоса чиқариб оларсиз:

— Ёшим етимидан ошди, бу дунёнинг минг бир пасту баландини кўрдим. Бирок ўз фарзандидан воз кечган, турғужонада қолдириб кетган аёлни эшитиб этим жимирлаб кетади.

Энг оғир кўнларда, ноннинг ушоғини тилимизнинг тағига қўйиб шимиб еган очарчилик йилларида ҳам, урушнинг қирғинбарот дамида ҳам кўчага ташлаб кетилган чақалокни кўрмаганман. Рост, эшитганмиз, аммо улар фарзандига ўлим тилаб эмас, иложисизликдан, болам очликдан ўлиб қолмасин деган умидда ўзига тўқроқ оилаларнинг оstonасига ташлаб кетишган. Аммо бугунги тўқчилик замонда содир бўлаётган қабохотни уларга солиштириб бўлмайди.

Яна бир мулоҳаза бор эди. Жамиятимизда жиноятнинг барча турига қарши жазо бор. Лекин ўз фарзандини хор қилган, уни кўча-кўйга ташлаган, оналик ҳўққидан воз кечаётган қиссаларга ҳеч қандай чора-тадбир йўқми? Мен дунёда ондаек улуг номини топтаётган суўқоёқ, енгилтақ аёлларга нисбатан қонуний жазо берилиши керак, уларнинг фожияси баён этилиб, ёшларни бу кўчага киришдан асраш лозим, деган фикрдаман.

«МЕҲРИБОНЛИК УЙИ» КЕРАКИМИ?

Бир танишим билан ҳудди шу мавзуда сўхбатлашиб қолдим. Сўхбат давомида у:

— Ўзи меҳрибонлик уйлари керакми? — деб қўйди. — Биз болажон халқимиз-ку, ахир. Агар шундай бўлса, меҳрибонлик уйлари қаер-

лар ташкил этади. Кўпчилиги нихосиз тўғилган болалар. Уларни қўғридан-тўғри ўзлари ташлаб кетишди. Баъзан эса дуч келган одамга «Боланимни ўшлаб туринг» деб ғойиб бўлишди.

Бу ерга келиб қолган болаларнинг барчаси носоғлом оилаларда воёга етган, тарбия кўрмаган, ҳаётга енгил-елли қарайдиган ёшларнинг фарзандларидир. Бир лаҳзалик ҳузур-ҳаловатини деб ортириб олган боласини гоҳ оиласидан яшириб, гоҳ ўз айшу ишратини ўйлаб дуч келган жойга ташлаб кетишган бундай ота-оналарни нима деб аташни ҳам билмайсан, киши.

Бош шифокор билан ўзоқ сўхбатлашдик. Биргаликда болалар тарбияланаётган хоналарни айландик. Мунг тўла нигоҳлари билан хонага кириб келган, нотаниш амакини «дада» деб атаган болакайга нисбатан ачинишми? Ёки уларни мана шу қўйга солиб, меҳрга зор қилиб ташлаб кетган шафқатсиз оналарга нисбатан нафратми?

Бош шифокорнинг айтишича, бу ерда бир бола учун битта ўрин 906 сўмни ташкил этаркан. Шунингдек, ўтган йили болалар уйининг йиллик бюджети 21 миллион 387 минг сўмни ташкил қилган бўлса, бу йилга ушбу кўрсаткич 28 миллион 491 сўм қилиб белгиланган экан.

Энди бир мулоҳаза қилиб кўрайлик. Агар бу ердан чақалокни фарзандликка олган оилаларга унга кетадиган ойлик харажати бериб бориш йўлга қўйилса қандай бўларкин? Бунда биринчидан, боланинг моддий таъминоти кўзда тутилса, иккинчидан бола оила муҳитида тарбияланади, миллий урф-одатлари ўрганади. Энг асосийси, бола оила қарамдого бўлади. У нормал ўсади, воёга етади. Ота тарбиясини олади. Қисман бўлса-да она меҳрини ҳис қилади. Қолаверса, унинг келажаги бўлади. Бу билан болалар уйида ўсганларнинг келажаги йўқ демоқчи эмасман. Асло. Болалар

Бундан қандай ҳулоса чиқади? Аёл мустақил ҳаётнинг қийинчиликлари олдида охишлик қилган. Унинг бир-бир кўмақдоши, қўлагувчи кишииси йўқ. Оқибатда фарзандини ҳам таъминлай олмастлиги амин бўлиб, шу ишга қарор қилади. Қолаверса, у фарзандининг бу ерда қандай таъминланишини жуда яхши билади. Фақат ўзи кўрмаган она меҳрини боласидан ҳам махрум этаётганини ўйлаб кўрдикикин?

ҚОНУН НИМА ДЕЙДИ?

Бош қонунимиз бўлган Конституциямизнинг XIV боб, 64-моддасида: «Ота-оналар ўз фарзандларини воёга етгунларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар», дейилади. Изоҳга ҳожат бўлмас керак. Унда турғужонадаёқ фарзандидан воз кечаётган, баъзан тўғри келган жойга ташлаб кетаётган қиссаларга нисбатан қонунда қандай жазо кўзда тутилган?

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 47-моддасида: «Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан воёга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни баҳармаслик, шу жумладан, воёга етмаган болаларнинг маъмурий ҳўқуқбузарлик содир этишига олиб келиши - энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади», дейилади.

Кимга қанақа-ю, аммо мен негадир конституциявий бурчини бузган шахс бунчалик енгил жазо билан қўтулиб кетишини ҳаёлимга ҳам келтирмагандим. Ахир ўзингиз ўйланг, қайсидир нафс бандасининг айби билан дунёга келган гўдақнинг бир умр она меҳрига зор бўлиб ўтди, қалбидида изирибларини қандайдир уч баравар миқдордаги жарима билан оқлаб бўлади?

ЖАМИЯТНИ ЕМИРUVЧИ ИЛЛАТ

«ИЧИМДАГИ ДУШМАНЛАРИМ»

«БАҒДОДЧА ХАЛФАНА»

«Ургач-Анджон» йўловчи поезди Бағдод шохбекатига яқинлашгани сари Шоиранинг юраги безиларди. Юлларини туширди-ю, ердан чиқими, осмондан тушми, у ҳозир нозир бўлди.

— Хужжатларингизни кўрсатинг?
— Утган сафар «кўрсатдим-ку»,
— деди Шоирахон пичинг аралаш.
— Хужжатсиз вокзалдан чиқармайман...

Шоира божхона нозирига «хужжатларини кўрсатди» — айтган пулини минг сўм камроқ бўлса-да, қўлига тутқазди. Икки божхона ходими икки сафардан бери таъмагирлик қилаётган эди.

Ш.Эрматова ва яна бир қанча тадбиркорлар «Ургач-Анджон» поездида «Хазорасп» бозорига қатнаб, тижорат билан шугулланишарди. 20-сонли Қўқон ва 136-Айрма божхона масканида катта нозир бўлиб ишлайдиган С.Назирқулов ҳамда шу божхона маскани нозир М.Каримбердиев бир гал уларни Раққон бекатидан Бағдодгача кузатиб келиб, 5500 сўм йиғиштириб

олишганди. «Мазахўраклар» шундай қилиб, тадбиркорлардан «халфана» йиғишга одатланишди. Сунгги сафар «халфана»га ўша божхона нозир У.Рисқулов ҳам шерик бўлди. Ш.Эрматовадан таъмагирлик қилиб 3 минг сўм олганда... «фаолият»ларига чек қўйилди.

ЗУЛУКЛАР

Жамият танасидаги зулуклардан яна бири — А.Гильманов Фаргона шаҳри меҳнат, бандлик ва ижтимоий ҳимоя бўлимида катта мутахассис бўлиб ишларди. Шу йил июнь ойида унга А.Бессонов иш сўраб мурожаат этди. Анзир уч-тўртта корхоналарни тақлиф қилганда Александрга екманди.

— Дурустроқ иш ўз-ўзидан топилмайди-да, — мутахассис «қармоқ» ташлаб кўрди. Александр шаймани пайкаб, «хўп, қанча бўлади», деб сўради.

— 20-25 минг сўмга яхшигина жой бор!

Александр рози бўлиб, 13 июнда Анзирга учради. Катта мутахассис

унга 1-Фаргона ремонт қурилиш монтаж бошқармасига йўланма ёзиб берди.

— Ишга жойлашганингиздан кейин хизмат ҳаққини келтириб бера-сиз, — деб эслатди.

Александр ушбу идорага пайвандчилик бўйича имтиҳон қабул қиладиган Володя исмли йигитни кидириб, уч-тўрт марта борди. Лекин имтиҳон олувчи сира думини тутқазмади. Ана шундан кейин у «хизмат ҳаққини бермагунча ишга жойлаша олмаслигига ақли етиб, яна меҳнат бўлими катта мутахассисига учради. Нобакор 20 минг сўм порани ҳам қилишга улгурмасдан қўлга олинди...

Беихтиёр «Ичимдаги душманларим» деган кўшиқ эсга тушади. Уйлаб қарасангиз, порахўрлик билан мол-дунё орттиришга «бел боғлаган» С.Назирқулов, М.Каримбердиев, У.Рисқулов, А.Гильманов каби шахслар била туриб, ўз хатти-ҳаракатлари билан фуқароларнинг давлат идораларига нисбатан ишончини пугут етказишди. «Бирники мингга» деганларидай, «Идораларда бари ўшанқалар ишлайди» каби гаплар оралаб, юртига, хизмат бурчага садокатли ходимларнинг ҳам шайини бўлгашга сабабчи бўлишди. Айримлар эса «узатмасанг, биронта ишинг битмайди» деган хулосалар чиқаришди.

Йил бошидан буён ҳуқуқ-тартибот ходимлари 11 та порахўрлик жиноятини фош этдилар.

Иш жойини, асл номини қадрлайдиган, қаноат ҳисси болалигидан шаклланган, иймон-этиқодли киши ҳар қандай шароитда, ҳар қандай вазиятда ҳалолу пок яшайди.

Муродил ФОЗИЛОВ,
Фаргона вилоят
прокуратурасининг алоҳида муҳим
ишлар бўйича терговчиси

ПОРА БЕРГАНМИСИЗ?

Жиноятнинг тури кўп. Шулардан бири порахўрлик бўлиб, кейинги пайтларда инсонлар шурига шу қадар сингиб бордики, у ташкилот раҳбаридан тортиб оддийгина маҳаллий раҳбарларгача ўз қўлқасини тез-тез ташлаб туради. Ҳатто баъзи бир инсонлар порахўрлик бориб турган жиноят эканлигини ҳам хотиридан чиқариб қўйишди. Бу тур жиноят бир мамлакат ёхуд муайян минтақалар учун эмас, бутун инсонийлик жамиятлари учун ҳам ошқора таҳдид солиб тургани ҳеч кимга сир бўлмади қолди. Бунга анча-мунча мисол келтириш мумкин. Яна шунини айтиш мумкинки, порахўрлик жиноятчилигининг «элитний» турларидан ҳисобланиб, айрим мансабдор шахслар, масъул лавозимли раҳбарлар, бир сўз билан айтганда, одамларнинг «иши тушиб» турадиган шахслар томонидан содир этилади.

Ахир ким ҳам далада юрган деҳқонга ёки оддий ишчига пора берарди? Порахўрларни шартли тарзда уч тоифага ажратиш мумкин экан.

Биринчи тоифа порахўрлар ўз жиноятларини эзгулик деб биладилар. Яъни «пора эвазига бўлса-да, кимгадир яхшилиқ қиламан-ку», деб ўйлашади. Тўғри, кўпчилик ҳолатда улар ўз қилимиши жиноятчилигини билишади. Шундай ҳолга қўлчилигимиз талабалик давримизда бевосита гувоҳи бўлганимиз ҳолатларни мисол келтириш мумкин. Айрим домла (ўқитувчи)лар ўзлаштирмаган талабага ҳам баҳосини қўйиб беради. Албатта, ниманингдир эвазига. «Бир бечора талабага яхшилиқ қилиш керак, шунча ийиллик меҳнати қўй бўлиб кетмасин-да!» Пора олган домла: «Яхшилиқ қилдим, ҳа, ростдан ҳам яхшилиқ қилдим», деб ўйлайди. Уйламайдики, ихтиёрий тарзда жамиятга яна битта ўзига ўхшаган порахўр тайёрлаб берапти...

Иккинчи тоифа порахўрлар ҳали инсонийлик қиефасини йўқотмаган, лекин қилимишининг жиноят ва оғир гуноҳ эканлигини билишса-да, нафсини жиловлай олмайдиганлар. Дастлаб зарурат юзасидан олинган оз-озлар кейинчалик одатга айланади, агар қўлга тушмаса. Улар билишади — пора ҳаром, порахўрлик жиноят, жиноят эса жазосиз қолмайди. Кўза синишини кутадилар.

Учинчи тоифа порахўрлар эса бу дунёдаги ҳаётларидан мақсад кимдандир пора олиш ва кимгадир беришдан иборат, деб билишади. Бу тоифа табиати шундай. Албатта, бундан уларни Холиқ шундай яратган деган фикр келиб чиқмайди. Бор-йўғи улар ўзларининг олдида турган ҳидоят йўлини ўзлари бекитиб ташлаган ва залолатга шўнган бандалардир. Бундайларга баъзан, одамнинг раҳми келади, сабаби улар бу дунёда ҳалол йўл билан ҳам фаровон яшаш мумкинлигини, ҳалол яшаш деган юксак бахт борлигини англашдан маҳрум бўлганлардир.

Сабасиз оқибат бўлмайди, деган қарашдан келиб чиқиб, порахўрнинг порахўр бўлишига факат ўзи сабабчиси ёки у шаклланган муҳитми, деган саволга жавоб берилса мақсад одинлашади. Сабаблар жуда кўп. Улардан тарбия билан боғлиқ бир жиҳатни юзакроқ бўлса-да, таҳлил қилиб кўрайлик. (Буни айнан сабаб деб эмас, сабаб бўлиши мумкин бўлган жиҳат дея ҳисоблай қоламиз).

Ҳеч ким онадан жиноятчи бўлиб туғилмайди, бу таъбир порахўрга ҳам тегишли. Дунёга келган фарзанд тарбиясига масъул бўлган ота-она билиб-билмай уни таъмагирлик ва порахўрлик сари бошлайди. Мисол қилиб кичикинтойга «фалон ишни қилсанг, фалон нарса овераман» қабилидаги тарбия методини олайлик. (Бу ерда рағбатлантириш билан «пора бериш» ни фарқ қилиш керак.) Маълум хатти-ҳаракат эвазига «пора» олиб ўрганган бола бора-бора уни талаб қиладиган, талаби қондирилмаса болаларча «исён» қиладиган даражага етади. Бундан ташқари, ўнлаб ижтимоий, иқтисодий ва бошқа сабабларни ҳам кўрсатиш мумкин. Лекин бундан нима наф? Шунинг учун қисқароқ қилиб, ёмоннинг ёмон бўлишига яхшилар ҳам айбдор, деб қўя қолсак ҳам бўлар.

Энди жазо ҳусусида. Тарихдан маълумки, турли даврларда порахўрлик учун турлича жазолар белгиланган. Бизнинг ҳозирги қўнунчилигимизда эса бундай жиноят учун жаримадан тортиб ўн беш йил озодликдан маҳрум қилишгача бўлган жазолар белгиланган. Бу жараёнда ташаббус пора берувчилардан ҳам чиқishi ҳисобга олинб, улар ҳам жазодан бебаҳра қолишмайди. Пора берувчига жаримадан то уч йил озодликдан маҳрум қилишгача бўлган жазо белгиланган. Исломиي нуктаи — назардан ёндашилганда ҳам пора олувчи ва пора берувчи бирдай гуноҳкор саналади.

Мақолада порахўрликнинг жамиятга етказадиган моддий ва маънавий зарарига тўхталмадик. Буни ҳамма, ҳатто порахўрнинг ўзи ҳам тушунади. Жамият инсонлардан ҳам бўлган экан, ундаги иллат ва ютуқлар ҳам ўзимизники. Демакки, жамиятни поклаш ўзимизга боғлиқ.

ШАВКАТ



БОЖХОНАДАГИ ХАНГОМА

Ҳар қандай мустақил давлатнинг барқарорлигига таҳдид қилувчи ички ва ташқи хавфлар мавжуд бўлиши сир эмас. Ана шу хавфлардан энг каттаси бу коррупция, порахўрликдир. Коррупцияни тўғайишга йўқотиб бўлмайди. Шунинг учун унинг олдини олиб туриш, унга қарши курашиш зарур.

Тошкент вилояти божхона бошқармасига қарашли «Кучлик» божхона масканида ана шундай ҳолатлардан бири аниқланиб, яна бир жиноятнинг олди олинди.

Улугбек Мирхалиқов юқорида қайд этилган божхона масканида вақтинчалик бошлик вазифасини бажарувчи бўлиб ишларди.

Қўнларнинг бирида Улугбекнинг ҳузурига фуқаро Сулаймон Самидинов келиб акиси Эркин Самидиновга тегишли бўлган, Россиядан келтирилган 4 миллион сўмлик бўёқ, автоулов шиналари ҳамда фанерлар ҳақида гапириб берди.

— Ҳозирча юқлар акама тегишли омборхонага жойлаштирилган. Улардан ходимларнинг лаборатория текширувидан ўтказиш учун намуна олишди.

Улугбек ўзини тушунмаган кишидек тутти, Сулаймонга ажабланган қиефда тикилиб турарди. Буни сезган Сулаймон гапнинг очигини айтиб қўя қолди.

— Гап шундаки, айни пайтда акам Россияда. Шунинг учун ҳозирча божхона тўловларини тўлолмаймиз.

Улугбек ҳам анойилардан эмас. Сулаймоннинг гуноҳкорона бош эгиб туришидан устамонлик билан фойдаланишга киришди. Ахир юк келганига 2 ой бўлган. Бунинг устига унинг бир қисмини сотишга ҳам улгурган.

— Кечирасиз, ука. Божхонанинг ўз қоидалари бор. Сиз қоидадан бузгансиз. Агар сотилган юқларни қайтариб жойига қўймасангиз, қолган юқларни давлат ҳисобига мусодара этиб, ишни судга ошираман.

— Уйлаб гапираяпсизми? Ахир сотилиб бўлган юқни қандай қилиб қайтараман?

Улугбек ҳам бўш келмади. Гапни қўзиб ўтирмай, мақсадга қўчиб қўя қолди. Сулаймондан лаборатория хизмати учун 200 АҚШ доллари, сурштирув ишларининг ижобий ҳал бўлиши учун 200 АҚШ доллари, судга 100 АҚШ доллари, бошқа чиқимлар учун яна 500, жами 1000 АҚШ доллари олиб келишини талаб қилди.

— Акс ҳолда, ҳамма молларни мусодара қилиб юбораман.

Сулаймон божхона маскани бошлигининг бу сўзидан кейин иккиланиб қолди. Чорасиз қолганига ақли етгач, пулни эртага олиб келишини айтиб, хайрлашди.

Эртасига бунча пулни топа олмаган Сулаймон бошини қаёққа уришини билмай қолди. Божхона бошлиғи ундан ноқонуний равишда пул талаб қилётганини англаб етди. Вилоят прокурорига ариза ёзди.

Шундан сўнг мутахассис ҳолислар иштирокида 800 АҚШ доллариға махсус ишлов берилди. Улугбек бу пуллари ўз хонасида Сулаймондан қабул қилиб олаётганда қўлга олинди. Хуллас, жамиятимиз ана шу тарзда яна бир порахўрдан халос бўлди. Суд уни 12 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

М. НОСИРОВ,
Тошкент вилоят прокуратурасининг иқтисодий
жамиятчилик ва коррупцияга қарши кураш
бўлими бошлиғи

ИСТИҚЛОЛ ИНСОНЛАРИ

1995 йил, 18 июнь. Давлат божхона Қўмитасининг Марказий божхона экспертиза лабораторияси бошлиғи Иброҳим Асқаров кечаси ўн иккиларда лабораторияда ўз ишлари билан овора бўлди. Ишни поёнлаб, ўзига бириктирилган автомашинада шаҳар марказий кўчаларидан ўтиб боришга ваҳшат билан қўқоқ овози эшитилди ва ўша заҳоти машина эшигига бир нима урилди, ўриндиқда ўтирган Иброҳимнинг нақ ияги остидадан бир нима «визз» этиб ўтди. Машинада куйган темир иси анқиди.

— Бизга ўқ отишди, Иброҳим ака! — овози қалтираб деди шофёр Шухрат Ияров. — Ўқ отишди!

— Тўхтатинг машинани! — хитоб қилди Иброҳимжон Асқаров. — Тўхтатинг!

Шофёр тўхтади. И.Асқаров кабина эшигини шитиб билан очиб, пастга туша бошлади.

— Тўшманг, — илтимос қилди шофёр, — отиб қўйишади.

— Нима, қочиб қолиш керакми?

У пастга тушиб, кўп қаватли уйларга разм солди. Кўпининг деразаси ланг очик, одамларнинг парвойи-фалак...

Иброҳим Асқаров машинадаги ўқ тешиб ўтган жойни синчиклаб кўрди. Дарвоқе, ўққа тўтилган машинадаги ўша ўқ тешган жой ямалмай шундоғича қолдирилди. Пана-пастқамларда, пистирмаларда юрган галамислардан «эсдалиқ» деб, атайлаб ямашмади.

Ўша воқеадан кейин орадан икки-уч кун ўтгач, унга кўнғирқок қилиб қолишди. Симнинг нариги четигади нотаниш кимса деди: — Тўнов кучи отилган ўқ... Омадингиз бор экан, биродар. Муомалага юрмасангиз, снэйпер бу гал мўлжални аниқ олади. Фойда билан зиёнинг фарқига борингда, ахир. Сиздан нима кетибди.

— Менга деса, ўнта снайперингиз мўлжалга олсин. Чумқудан кўрққан тариқ экмайди. Мен ўлимдан кўрқадиганлардан эмасман! — деб, трубкани жойига қўйди И.Асқаров.

Кўзга кўринмас бундай ёвузлар билан бунақа сўзлашиш жаллоднинг жигига тегишдек гап эди. Лекин у табиятан унча-мунча дағдағалардан тап тортадиганлардан эмас. Ўшанақа осмондан келувчиларнинг йўриғига юриб, лаборатория хулосаларини нотўғри чиқариб бериш давлат ва халқнинг ўн миллионлаб, юз миллионлаб маблағига хиёнат қилиш, эл-юртга хиёнат қилишнинг ўзгинаси эди.

Анджоннинг Жалолқудук туманида оддийгина, диёнатли хонадонда туғилиб камол толган Иброҳимжон отаси Раҳмонжон ака таълим берганидек, иймон-этиқодли, кўзи тўқ, ҳашамларга беписанд бўлиб ўсди. Отаси қайта-қайта таъкидларди: «Ўғлим, дунёда одам боласининг бурдини кетказадиган бир-икки нарса бор. Бу — нафс. Зинҳор нафс қўйига кирмаслик керак. Нафс одамни ўзи тўйсаям, кўзи тўймайдиган акржалмас балогоа грифтор қилади, очкўз қилиб қўяди. Ўзи тўймаган, кўзи тупроққа тўлганда тўяди...» Бу оддий, мумингина, лекин ўзида халқ донишмандлигини жамлаган инсоннинг сўзлари эди.

...Дарвоқе, суикасд, аноним телефон кўнғирқоклари Иброҳимни шаштандан қайтариш у ёқда турсин, иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш борасидаги муроасизлиги ва шиддатини янада оширди. Республика иқтисодийга пугур етказиш, шу йўл билан ҳудуд катта бойликларга эга бўлишга интилувчи каж фикрли кимсаларнинг пайини қирқидиша ҳаққоний ва принципал йўл тўтди. Қисқаси, на дурбинли милтик, на дўқ-пўписа, на катта-катта вадалар, на савлатидан от хурқадиганларнинг илтимослари темир иродали инсонни йўлдан оздирилмади. И.Асқаров марказий лабораторияда қарий беш йил бошлиқ бўлиб хизмат қилган бўлса, ҳали-хозиргача хизматдошлари унинг ғайрат-шижоати, тоғирлик ва уйдаворчилиги, қатъияти, аини пайтда ғоятда самимий инсон эканлигини мамнуният билан эътироф этишадди.

Бугунги кунда божхона, унинг олдида қўйилган кенг қамровли вазифалар ҳақида билмайдиганлар бўлмаса керак. Бу соҳа кишилари республикамиз моддий бойликларидан тортиб, осори-атиқаларига қараб

бўлган мулкимизни четга ташиб кетмокчи бўлган кимсаларнинг ниятларини барбод қилувчи бош посбонлардир. Бу осон иш эмас.

1997 йилга келиб, И.Асқаров Давлат божхона Қўмитасининг Фарғона вилояти бўйича бошқарма бошлиғи этиб тайинланди. Худудининг катта қисми чет давлатлар билан чегарадош бўлган вилоятда бу вазифани бажаришнинг мураккаб томонлари борлиги маълум. Бунинг устига мўмай-мўмай даромад орттириш йўлида ор-номусни, миллий гурурни ҳам унутиб, божхона ва унинг жойлардаги постларида турган посбонлари кўзини шамғалат қилишга интилувчилар ҳам озмунча эмас. Бундайларнинг йўлига қаттиқ ғов қўйилмаса, халқнинг risks қийилаверади.

Бу ердаги аҳвол Иброҳим Раҳмонсвични шу ҳақда ўйлашга мажбур қилди. Табиатан теран фикрли, ҳақ деб билган йўлдан қайтмайдиган, фавқулодда топқир ва ҳаромхўрларга нисбатан аёвсиз бўлган И.Асқаров ишга жиддий киришди. И.Асқаров вилоят божхонасида ўрнатган янги тартиб бу даргоҳ ҳамада унинг кўйи бўғинларидаги «об-хаво»ни бутунлай ўзгартириб юборди. Божхона қасамини бузган бешта эмас, ўнта эмас, неча ўнлаб ходимлар виждон азобидадан қора терга тушдилар, ишдан бўшаб ҳақида ариза ёзиб, бу даргоҳга кириб, иқтисодий жиноятчиларга зигирдек ёнбосувчиларга сафимизда сира ўрин йўқ! Бу сўзга у хар соат, хар дақиқа амал қилади. Бошқача бўлиши мумкин ҳам

Вақти-вақти билан божхона ходимлари иштирокида ўтказиб туриладиган ихчамгина йиғилишларда раҳбар жумладан битта гапни таъкидлашдан қарчмайди: нафс қўйига кириб, иқтисодий жиноятчиларга зигирдек ёнбосувчиларга сафимизда сира ўрин йўқ! Бу сўзга у хар соат, хар дақиқа амал қилади. Бошқача бўлиши мумкин ҳам

лаб қоларди. Вазият ниҳоятда кескинлашгач, божхона ходимларидан бири пайт пойлаб, кўтуриб кетган жиноятчининг чаккасига пистолет кўндоғи билан туширади...

Чегарадан ноқонуний ўтмокчи бўлган автомашинада бир тоннадан зиёд бензин бор экан. Жиноятчилар кўлга олинган, антиқа воқеа содир бўлди. Чаккасида кўндоқ егандин кейингина ноилож қаршилиқни тўхтатган жиноятчи ўзини жабрдийда қилиб кўрсатиб, ҳуқуқ-тартибот идорасига ариза беради. Божхоначи устидан жиноий иш кўзгатилади. Терговчи ёш эканми, малакасиз эканми, жиноятчиға, Республика мулк талончисига қарши курашиб, уни фош этган фидойи инсон жиноятчиға айланишига ва қамқоққа тушишига бир баҳа қолди. Гап шундаки, вилоят божхонаси бошқармаси раҳбари Иброҳим Раҳмонсвич ўз ходимлари тақдирига бефарқ қарайдиганлардан эмас. Унинг қатъиятли аралашуви билан бу ҳам аянчли, ҳам қўлғили ишга нукта қўйилди. Иброҳим ака шу ҳақида гапирар экан, битта нарсасга алоҳида ургу бериб деди:

— Ўқ отиш қуроллари, масалан оғзи қорайиб турган автомат одам руҳиятига нечоғли қаттиқ таъсир этиши сир эмас. Лекин одам боласи онгига наинки авто-



бораётган ўқув маркази ходимлар малакаси ва касб маҳоратларини оширишда муҳим роль ўйнаётти.

Божхона хизматчиси жанговор постдаги жангчиға ҳам ўхшаб кетади. Хатарли дақиқалар ҳам бўлиб туради. Шу боис ўз постида қурбон бўлганлар ҳам бор. Вилоят божхона раҳбарларининг ташаббуси билан етим қолган 16 нафар болага божхона ходимлари маошидан ойига маълум миқдорда маблағ ажратилиши йўлга қўйилган. «Сизларда жуда юксак оқибат борлигини ҳис этиб турибмиз, — деб ёзади И.Асқаров номига ёзган хатда бева қолган яйланлик аёл, — турмуш ўртоғим хизмат ўтаб туриб ҳалок бўлганди. Сизлар биздан доимо хабар олиб турибсизлар. Бундан кўнглимиз тоғдек қўтарилапти. Раҳмат, сизга Иброҳим Раҳмонсвич...»

...Ўшбу очеркни ёзиш учун унинг қаҳрамонини топиб сўхбатлашиш осон кечмади. Гоҳ у чегара постида дейишади, гоҳ бу чегара постида. Гоҳ пойтахтга хизмат вазифаси билан кетган бўлади. Яна бир гал чет элдан келган кимёгар олимлар билан нега етаклашиб юрибди экан, деб ҳам ўйлади. Бунга изоҳ шуки, И.Асқаровнинг асли касби кимёгарлик. Анкироғи кимёгар олим. Олим бўлганда ҳам шу соҳада йирик кашфиётлар қилиб, илм аҳлини ҳайратга солган олим. Мана, битта мисол. Ёш кимёгар олим 1974 йили ёқлаган номзодлик диссертациясида ўз кашфиётини намоён қилди, яъни, жарроҳлик операцияси пай-

тида тикиш мумкин бўлмаган органларни ёпиштирадиган «жаётбахш елим» яратди. Бу елим қўлланганида операция қилинган жигар, талок каби аъзолардаги тиг теккан жойлар 30-40 секундда ямалдики, бу тиббий ёлғиз оламда кенг қўлланилмоқда. Бу — олимнинг лабораторияларида неча йиллаб ўтказган тадқиқотларининг ёрқин самараси эди.

Кейинги ўн йиллик амалиётчи олим ижоди гуллаб-яшнаган давр бўлди десак, тўғри бўлади. У кимё фанида мустақил республикамиз иқтисодийга катта наф келтирувчи яна бир янгилик яратувчиси сифатида майдонга чиқди. Бу кашфиёт кимё фани тизимида фаннинг янги тармоғи деб тан олинди. Анкироқ қилиб айтиладиган бўлсак, товарларни кимёвий таркибига қараб синфлаш ва сертификациялаш.

Олимнинг янгилиги амалда қўлланилмаяпти. Дунё илмий доираларида бу ўзбек олимнинг номи тез-тез тилига олиб турилади. Республикада ҳам ва хорижий мамлакатларда унинг кимё фанини ривожлантиришга оид 200 дан кўпроқ илмий мақолалари, 22 та китоби чоп этилган.

Иброҳим ака рафиқаси Маннураҳон опа билан беш фарзандни тарбиялаб воғна етказмоқда. Катта ўғиллари Нозирбек аспирант, қизлари Раъноҳон доктор, Барноҳон билан Нилуфархонлар талаба, Носиржон ўқувчи.

Истеъдодли олим, божхона хизмати полковниги Иброҳим Раҳмонсвич Асқаров худо берган инсон. У бир жиҳатдан Ўзбекистонда кимё фани ривожига улкан ҳисса қўшиб келаётган пешқадам олим бўлса, иккинчи томондан Фарғона вилояти божхона бошқармасини Ўзбекистонда етакчи ўринга олиб чиққан ташаббускор, тоғқир ҳамада метин иродали зобит ҳамдир. Хар икки соҳада ҳам қўлочларини янада кенг ёзиш иқмониятига эга эканлиги сезилиб турибди.

О.ҲАКИМОВ
А.ИБОДИНОВ

Тунда тилган ўқ

эмас. Шу ўринда фикримиз исботи учун баъзи бир рақамларни келтириб ўтсак.

1997 йилнинг биринчи ярмида Фарғона вилоят божхона бошқармасидан давлат бюджетига 79 миллион 470 минг сўм маблағ таъширилган, давлат фойдасига 7 миллион 737 минг сўмлик моддий-товар бойликлар мусодара қилинган бўлса, 2000 йилнинг шу даврида ушбу қўрсаткичлар 670 миллион 435 минг ва 51 миллион сўмни ташкил этди.

Хўш, қандай қилиб бунга эришилди? Республика мулк ташмачилари анойилардан эмас, ўн миллионлар «ишқид» таваккал қилувчилар сўвдан қуруқ чиқшинсҳавосини олганлардан. Мақсадга етиш йўлида ёвузликдан ҳам қайтишмайди. Масалан, Бешарқ тумани худудида божхоналарга чап бериб, қўшни республикага бензин олиб чиқиб кетмокчи бўлган «шо-ввоз»лар содир этган воқеа фўржа билан тугашига сал қолган. Воқеа қўйидагича бўлганди: Ярим тунда айланма йўлларда қўшни мамлакатга йўл солган автомашина кўринади. Икки божхона ходими енгил машина билан унинг орқасидан тушиб, қонунбузарларга тўхташни буюришади. Қонунбузарлар бунга парво қилмай, тобора тезликни оширишади. Қув-қув давом этади. Бир неча дақиқадан кейин жиноятчилар чегарадан ўтиб кетишлари аниқ. Шунда божхона ходимлари қўндабузарлар машинаси гилдиракларига қарата ўқ узишга мажбур бўладилар. Шунда ҳам жиноятчилар автомашинаси бир неча километр судралиб юрғач, ноилож тўхтаб қолади.

Энг хунук воқеа мана шу жойда бошланади. Автомашинадан сакраб икки киши қўларидан бир-бир ярим метрлик темир билан божхоначиларга ташланадилар. Олишув бошланади. Бундай ҳолатда қурол ишлатиш мумкин бўлса ҳам божхона йиғилари бундан тийилдилар. Уларнинг эпчил ва довоирақликлариғина бошларига урилиши мумкин бўлган зарблардан сак-



мат, ҳатто, замбарак ўқидан ҳам қучлироқ таъсир этувчи бошқа воситалар ҳам бор. Бу — сўз қудрати! Иймон-этиқод, виждон ҳақидаги, бурч ҳақидаги сўз! Биз масаланин мана шу томонига алоҳида эътибор бераёلمиз.

Бошқарма фаолиятига доир мисолларда шу нарса аниқ-тиниқ кўриниб турибдики, бу ерда ходимлар тақдирини, уларнинг малакаси бош масалалардан бири ҳисобланади. Мана, бир неча йилдирки, ҳафтининг маълум кунларида шахсий таркибнинг масъул ходимлари иштирокида маънавият ва касб маҳорати мавзусида сўхбат ва машғулотлар йил борилапти. Вилоятнинг номдор санъаткор ва олимлари, шоир ва ёзувчилари, дин арбоблари, умуман, халқ орасида эътибор топган кишилар билан мазмунли учрашувлар бўлиб туради. Бу хил сўхбат асосида диёнатга хиёнат нималарга олиб бориши одамнинг кўз олдиға олиб келиб қўйилади.

Вилоятимизда 28 та божхона маскани бор. Уларда юзлаб ходимлар куну тун сергак туришибди. Четга озиқ-овқат маҳсулотларидан ташқари нефть, минерал ўғитлар олиб чиқишга бўлаётган юзлаб уринишларни барбод этаётган, бу йўлда жонини қурбон қилишдан ҳам қайтмайдиган азаматлар мана шулар. Улар четдан бизга спирт, тамаки, наркотик моддаларни ноқонуний равишда олиб кирувчиларнинг «фаолиятлари»га ҳам худди шу масканларда нукта қўймоқдалар. Борди-ю божхона ходимларига эътироз бўлса, шикоятчи ишонч телефонига кўнғирқок қилиши мумкин. Тезкор гуруҳ тезда ўша жойға етиб бориб, масалани жойида ҳал қилиб беради.

Божхона иши — хатога йўл қўймайдиганлар иши. Шу боис соҳа ходимлари тинмай ўқиб ўрганишлари, изланишлари шарт. Фарғонадаги вилоятлараро божхона ўқув маркази худди шу мақсад йўлида хизмат қилади. Йиғирмага яқин фан докторлари ва номзодлари самарали иш олиб

«ТЕРРОРЧИ» ТАЛАБИДАН ВОЗ КЕЧДИ

Амстердамдаги Schiphol аэропортида SAS авиакомпаниясига қарашли MD-87 самолётини портлатиб юбормокчи бўлган Россия фуқароси қўлга олинди. Бу пайтда самолётда 6 нафар экипаж аъзоларидан ташқари 64 нафар йўловчи бўлган.

«Террорчи» Москва - Копенгаген - Амстердам рейсини бажараётган авиалайнерга Копенгаген аэропортидан чиққан ва ҳар бир йўловчи учун 1 млн. гульден (390 минг долларга яқин) пул тўланмаган тақдирда, бортга ўрнатилган бомбани портлатиб юбориши тўғрисидаги талабини спонсордесса берган хатида маълум қилган.

Экипаж аъзоларининг айтишларича, музокара олиб борилаётган дамда «террорчи»нинг ҳатти-ҳаракати соғлом одамникидан буткул фарқ қилган. Қўлга олинган дамда эса у умуман қаршилик кўрсатмаган. Хавфсизлик кучлари томонидан самолёт ва ундаги йўловчиларнинг юклари текшириб чиқилганда, портлаш эҳтимоли бўлган бирон-бир модда топилмаган.

Голландия полицияси ушбу воқеа ҳусусида ҳозирча ҳеч қандай ҳулосага келмаган.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРАЛАР • ШАРҲЛАР

ЖИНОЯТ ИШИ ҚЎЗГАТИЛДИ

Россия Бош прокуратураси Владимир Гусинскийга нисбатан жиноят иши қўзғатиши рад этиш ҳақидаги олдинги қарорини ўзгартирди ва «Медиа-Мост» холдинг компанияси раҳбарига нисбатан жиноят иши қўзғатиб, тергов ҳаракатларини олиб боришни алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи Александр Горбуновга топширди.

Бош прокуратура вакилининг хабар беришича, илгари Гусинский 10 млн. АҚШ доллари миқдоридagi маблағни ўзлаштирганликда айбланиб, қамоққа олинган ва унга нисбатан қўзғатилган жиноят иши етарлича ўрганилмай туриб ҳаракатдан ётқизилган экан.

«Медиа - Мост» компанияси ўзини қарашли акцияларни «Газпром» акционерлик жамиятига сотишни маълум қилгандан кейин, компания раҳбарига қўйилган айб олиб ташланган эди. Озодликка чиққан В.Гусинский эса бундан фойдаланиб, хорижга чиқиб кетган эди.



ПРЕЗИДЕНТНИНГ ЎҒЛИГА СУЙҚАСД

Италиялик мултимиллионер Жованни Анжеллининг 46 ёшли ўғли Эдвардонинг жасади мамлакат шимолда, Турин шаҳри яқинидаги автомагистраль ёнидан топилган. Мурдадан бир неча қадам нарида мархумга тегишли автомашина бўлган. Полиция ҳозирча мархум ўз жонига қасд қилган бўлиши мумкин, деган тахминни илгари сурмоқда. Эдвардонинг отаси — Жованни Анжелли бундан юз йил илгори бобоси асос солган «FIAT» компаниясининг фахрий президенти ҳисобланади.

КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАР КЕСКИНЛАШМОҚДА

Ўтган ҳафта жума кuni Амстердам шаҳри марказида жойлашган япон ресторанида уч киши отиб ўлдирилган. Бу ҳодиса гувоҳлар кўз ўнгига бир лаҳзада содир бўлган: Қуролланган номаълум шахс ресторанига кирган заҳоти овқатланаётганларга қарата ўқ узиб, воқеа жойидан гойиб бўлган.

Полиция томонидан жиноятчини қўлга олиш бўйича зудлик билан ўтказилган тадбир натижасиз якунланган. Қурбон бўлганларнинг шахси ҳозирча аниқлангани йўқ.



Полиция вакилининг хабар беришича, қотиллик қора дори савдоси билан шугулланувчи жиноий гуруҳлар томонидан содир этилган бўлиши мумкин. Негаки, кейинги вақтда улар ўртасида келишмовчиликлар анча кескинлашган. Шу йилнинг июнь ойида эса героин контрабандаси билан шугулланувчи ирланд гуруҳининг бошлиғи Дерен Дунн отиб ўлдирилган эди.

Жанубий Африка Республикаси, Мозамбик ва Зимбабве ҳукуматлари ўртасида майдонга 100 минг квадрат километр бўлган ҳаёндаги энг катта табиий қўриқхонани барпо этиш ҳусусидаги шартнома имзоланди.

ЭНГ КАТТА ХАЙВОНОТ БОҒИ

Янги миллий паркини мазкур давлатларнинг чегаралари туташган ҳудудда барпо этиш кўзда тутилган.

Қўриқхона давлатлараро Газ - Крюгер - Гонарежо парки деб номланади. Қўриқхона ҳудудининг ниҳоятда катталиги йирик хайвонларнинг эмин-эркин юришларига ва ўзлари учун қулай жойларда яшаш имконини беради. Газ - Крюгер - Гонарежо паркини ташкил этишдан асл мақсад ийлонди-йилга қамайиб бораётган хайвонларни асраб қолиш бўлса-да, у келажакда сайёҳликдан тушадиган катта даромад манбаига айланиши ҳам мумкин.

ТЕРРОРГА ҚАРШИ ГУРУХ

Россия Федерацияси ва Хиндистон давлатлари ҳукуматларининг келишувига мувофиқ иккала мамлакат ҳамкорлигида Афғонистондан бўладиган терроризм ва қоратори хавфини олдини олишга қаратилган махсус гуруҳ ташкил этилди.

Бу ҳақда Россия Президенти Владимир Путиннинг Хиндистонга қилган расмий сафари чоғида томонлар ўртасида шартнома имзоланган эди. Мазкур ишчи гуруҳининг раҳбари эди Россия Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Р.Трубинов, расм ҳамқори эди эса Хиндистон Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Мансингх тайинланди.

Ишчи гуруҳнинг биринчи йили 20-21 ноябрь кунлари Деҳлида бўлиб ўти ва кенгаш иштирокчилари терроризмга ҳамда қораторишурушилка қарши курашда ҳамкорлигини кучайтириш ҳақида келишиб олдилар.

КОСОВО ОЗОДЛИГИНИ НАТОГА БОҒЛАМОҚДА

Яқинда провинцияда ўтказилган сайловларда ғолиб чиққан Косово албанлари йўлбошчиси Иброҳим Ругов НАТОнинг тинчликпарвар қўшинлари Косовода қолиши лозим, деб ҳисобламоқда.

Америка Қўшма Штатларининг Дейтон шаҳрида Боснияда уруш якунланганлигининг бир йиллиги муносабати билан ўтказилган ҳалқаро конференцияда ҳам Ругов ўзининг ана шу фикрини илгари сурди.

— Тинчликпарвар қўшинлар бу ерда доимий қолишлари шарт, — деди пировардида албанлар раҳбари. — Балким, келажакда унинг вазифалари ўзгариши мумкин, лекин нима бўлганда ҳам НАТОнинг бу қўшинлари кетишга тўйғергарлик кўрмасликлари лозим. Уларнинг бу ердаги фаолияти, бизнинг мустақилликка бўлган интилошлоримизнинг ўзига хос белгисидир.

НАТОНИНГ ЯНГИ ҲАМКОРИ

Ўтган душанба кuni Брюсселда Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг мудофаа вазирлари кенгаш ўтказдилар. Ундан кўзда тутилган мақсад тезкор ҳаракат қилувчи Европа хавфсизлик кучларини ташкил этиш эди.

Ана шу мақсад йўлида 2003 йилга бориб, таркибида 60 минг ҳарбий бўлган қўшинни ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Буюк Британия янги альянсга ҳозирданок 12 минг аскар, 70 та самолёт ва 18 корабль «ҳада» этишни мўлжаллаётир.

Ҳарбий вазирлар келажакда альянс томонидан ўтказиладиган ҳарбий операциялар ҳар қандай шароитда ҳам НАТОдан холи бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлаётдилар. Уларнинг фикрича, Европа хавфсизлик кучлари унча катта қўлмада бўлмаган тўқнашувлар ва низоларни ҳал этишга хизмат қилади.

Альянс ташкил этилишида Буюк Британия, Германия ва Франция давлатлари катта улуш қўшади. 2005 йилдан сўнг эса альянс таркиби Шарқий Европа давлатлари ҳисобига янада кенгайди.

Европалик ҳарбий вазирларнинг бу ҳаракати НАТО Бош қотиби Жорж Робертсонга ҳам маъқул келган ва у тузилажак альянс Европа ва Қўшма Штатларнинг ўзаро муносабати янада яхшиланишига хизмат қилажасига ишонч билдирган.

●Яқин Шарқ: Тинчлик йўлида муаммолар

ҚҮРБОНЛАР ОРТАЁТГАН ДАМДА, ЯНГИ ҚҮРОЛ ТАҲДИДИ


Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арофат саккиз ҳафтадан буён давом этаётган қон тўкилишларга чек қўйиш учун барча имкониятларни ишга солмоқда. Яқинда унинг ўз тарафдорларини исроилликларга қарата ўқ отишни тўхтатиш тўғрисидаги қақриғи ҳам унинг минтақада тинчликка эришиш йўлидаги ҳаракатларидан биридир.

— Бу Олий хавфсизлик кенгашининг буйруғи, — дея ўз баёнотини изоҳлади Фаластин раҳбари. — Биз бундан кейин ҳам хунрезликларнинг олдини олиш учун ўзимизга боглиқ барча чора-тадбирларни кўраверамиз.

Исроил ҳарбий доирасидагилар эса фаластинликлар йўлбошчисининг мазкур чиқишига унчалик хайрихоҳ бўлмадилар. Уларнинг айтишларича, Ёсир Арофатнинг бу буйруғи фаластинликлар назоратида бўлган ҳудудларда амал қилиши мумкин, лекин Исроилнинг назоратида бўлган туманларда яшовчи фаластинликларни юқоридаги буйруқ билан жийовлаш амримас экан.

Исроил армияси эса ҳамон зўравонликларга зўр бермоқда. Охириги маълумотларга кўра, Фарбий қирғоқдаги шаҳарлардан бирида кўтарилган ғалаёни бостириш вақтида исроиллик аскар томонидан отилган ўқ натижасида бир нафар фаластинлик ҳалок бўлган. Бундан ташқари, яҳудийлар вертолётлари томонидан уюштирилган ҳужумлар натижасида Ёсир Арофатнинг шахсий қўриқчиларига қарашли штаб-квартира яқсон этилган.

Ана шундай зўравонликлар билан ҳам кифояланмаётган Ёхуд Барак яқинда фаластинликларга қарши янги қўроллар ишлатишни маълум қилган.



АРИЭЛ ШАРОН УЧУН 260 МИНГ ДОЛЛАР

Хеврондаги фаластин қасаба уюшмаси кимки яҳудийларнинг «Ликуд» блоки раҳбари Ариэл Шаронни ўлдирса 260 минг АҚШ доллари билан мукофотланишини маълум қилган. Бу ҳақдаги варақалар Йордан дарёсининг Фарбий қирғоғидаги мазкур шаҳарда тарқатилган.

Фаластинликларнинг фикрича, хунрезликларнинг бошланиши ва унинг натижасида 230 кишининг қурбон бўлишига асосий айбдор Ариэл Шарондир.

«ҲИЗБУЛЛОҲ» ФАОЛЛАШМОҚДА



«Хизбуллоҳ» ҳаракати раҳбарлари ўтган ҳафтада исроиллик аскарнинг ҳалок бўлишига сабаб бўлган портлашда қўллари борлигини маълум қилган.

Al-Manar телеканали орқали Исроил қўриқчиларига қарашли зирхли машинанинг портлаш жараёни намойиш этилган. «Бу бизнинг исроилликлар томонидан фаластинликларга қарши зўравонлик қилишлари ва Исроил самолётларининг Ливан ҳудудларига зарба бераётганлигига қилган жавобимиздир», дея ўз ҳаракатларини изоҳлаган гуруҳ раҳбарлари.

Исроил хавфсизлик кучлари ҳақиқатда қўриқчиларга қарата ҳужум бўлганлигини, лекин ҳеч қим жабрланмаганлигини хабар қилган.

КЛИНТОННИНГ АДВОКАТИ ОЛАМДАН ЎТДИ

Ўтган ақшанба кuni «Уайтутер» можароси вақтида ва Моника Левински билан боглиқ шов-шувларда Билл Клинтон манфаатларини химоя қилган вашистонлик адвокат Чарльз Рафф 61 ёшда ҳаётдан кўз юмди.

Клинтон олам аҳлига маш-маша бўлган ўша воқеалар бошланиши арасида, яъни 1997 йилда номи кўпчилик учун таниш бўлмаган прокурор Кеннет Стетер унга нисбатан «Уайтутер» ишнинг қўзғатган дамба Рафдан мадада сўраб мувожабат этганди. Кўп ўтмай бу ишга Моника билан боглиқ можаро ҳам қўшилди. Шундан сўнг Чарльз надоматлар қоида қолган президентини ўз химосига олишга рози бўлди.

Рафф президентнинг адвокат сифатида шундай қучли химоя механизмини яратди-ки, бунинг натижасида Клинтон импичмент ҳақини четлаб ўтишга муваффақ бўлди.

Адвокатнинг хотираси учун қилган чиқишда Билл Клинтон Раффнинг шайига жуда ылик сўзлар билдириб, ҳурмат бажо келтирди.

Кутловлар

Хурматли Сирожиддин Икромов!
Сизни 23 ноябрда нишонланадиган туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Ўқишларингизда муваффақият, бахт ва омад тилаймиз.

Оила аъзоларингиз,
Тошкент

Тотув ва бахтли хонадонимиз фойизи Назминисо!

Сизни таваллуд айёмингиз билан чин юракдан муборакбод этамиз. Илоҳим, менинг ва фарзандларимиз бахтига ҳамisha соғ-саломат юриб, лабнингиздан кулги аримасин.

Хаётингизда фақат бахтли кунлар бўлишини тилаб,

турмуш ўртоғингиз **Фатхулла Лутфуллаев,**
Тошкент

Хурматли Наргиза опа!

Сизни туғилган кунингиз билан чин қалбдан муборакбод этаман. Сизга мустақкам соғлиқ, узоқ умр ва жамики ниятларингиз амалга ошишини тилайман.

Синглингиз **Нафиса Назарова,**
Тошкент

СПОРТ**«ДҮСТЛИК» ЧЕМПИОН**

Нихоят, футбол бўйича IX миллий чемпионатимиз якунланди. Бу галги чемпионат ҳам ҳар йилги мусобақалардан унчалик фарқ қилмаган бўлса-да, лекин яшил майдонларимизда ўзига хос рекордлар, ҳуроратли натижалар кўп бор қайд этилди. Тошкент вилоятининг «Дўстлик» жамоаси иккинчи марта мамлакат чемпиони деган шарафли номни қўлга киритди. «Нефтичи» жамоаси эса тўртинчи бор қумуш медалга эга бўлди. Қаршининг «Насаф» жамоаси биринчи марта бронза медални қўлга киритиб, совриндорлик нашидасини тоғди.

Кейинги йилдан бошлаб олий лигада 18 жамоа биринчилик учун ўзаро беллашади. «Гулистон», «Темирийўлчи» ва «Хоразм» жамоалари эса мавсум давомида жуда буш ўйнаганликлари учун лигани тарк этишга мажбур бўлишди.


**ТАТЬЯНА
«МУЗ МАЛИКАЛАРИ»
САФИДА**

Ўтган ҳафта Германиянинг Гельзенкирхег шаҳрида музда нафис учиб бўйича «Гранпри» туркумига кирувчи йирик мусобақа бўлиб ўтди. Унда АҚШ, Канада, Россия, Хитой, Украина, Франция, Болгария мамлакатлари спортчилари қаторида ҳамюртимиз Татьяна Малинина ҳам иштирок этди.

Турнирда голибликни асосан, Россия, АҚШ ва Канада спортчилари эгаллашди. Яққалик бахсларда Татьяна М.Бутирская ва америкалик С.Хьюзлар қатори голиб бўлди.

Иккта ўртоқ учрашиб қолибди.
— Мен кеча лотереядан юз минг доллар ютиб олдим!
— Хотининг роса хурсанд бўлгандир-а?
— Хотиним хурсандлигидан гунг бўлиб қолиди!
— Ё тавба, бахт бир келса қўшалоқ келадди, деб шуни айтишарканда, а?

— Эртага тўйимизга 20 йил бўлади, - деди хотин эрига. — Келинг, шу бахона билан хўрозимизни сўямиз!
— Қўйсанг-чи, бечора хўрозда




Энига: 1. Амир Темур барпо этган боғлардан бири. 4. Шарафиддин Али Яздийнинг машҳур асари. 9. Тўппонча тури. 11. Баҳайбат илон. 13. Республикаимиздаги қўл. 15. Субҳидам. 17. Зулм, ситам. 19. Кўшиқ. 21. Антарктидадаги йирик музлик. 22. Қиз болалар исми. 24. Ватан «бошланадиган» жой. 26. Чорва озукаси. 27. Хаёт нишонлари кидирилаётган сайёра. 28. Ижобий маънода алпқомат, салбий маънода эса ... 31. Н.Думбадзе қаламига мансуб машҳур асар. 33. Фарғона вилоятидаги шаҳар. 34. «Дўстлик» футбол жамоаси ҳужумчиси. 35. Россиядаги шаҳар.

Бўйига: 1. Гул номи. 2. Суяк ичидаги суюқлик. 3. Хўл мева. 5. Дурадгорлик асбоби. 6. Бадий ижод тури. 7. Фойдала хашорат. 8. Минерал сув ишлаб чиқарувчи республикаимиздаги қорхона. 10. Европадаги дарё. 12. Таниқли ўзбек геолог олими. 14. Оёқ кийими. 16. Республикаимиздаги ёш санъаткорларга бериладиган мукофот. 18. 2004 йилда Олимпиада ўйинлари ўтказиладиган шаҳар. 20. Тоза, олий. 21. Европада яшовчи миллат. 22. Ўрик (шевада). 23. Касалик. 24. Япониядаги шаҳар. 25. Ё ... (хитоб). 29. У икки қўлдан чиқади. 30. Осиёда ишлаб чиқариладиган автомобиль. 31. Математик атама. 32. Исрода маън қилинган фаолият.

Газетанинг ўтган солида
берилган кроссворд
жавоблари:

Энига: 1. Крамник. 4. Илос. 6. Шердор. 7. Асад. 9. Арок. 10. Макр. 13. Банди. 14. Марка. 18. Барг. 19. Занг. 21. Насл. 22. Сайгоқ. 24. Йогурт. 25. Арарат. Бўйига: 1. Канада. 2. «Айва». 3. Картон. 4. Илон. 5. «Субару». 8. Пачкамар. 9. «Ардо». 11. Дарра. 12. Чанг. 15. Абдий. 16. Чанги. 17. Талант. 20. Сабр. 23. Кор.



Ҳайрат манзараси

ҚАҲ — ҚАҲА

нима гуноҳ?

Иккта лоғчи сўбатлашяпти:
— Хабаринг борми, яқинда қизимни турмушга узатдим.
— Эшитгандим, унга нима совға қилгандинг?

— Э, сўрама, эсласам ҳалиям юрагим куйиб кетади. Севинганимдан унга ўзимга қарашли ҳудуддаги Ҳашамдор ва Бойлар кўчаларини тортиқ қилиб юбрийман.

— Доктор, авариядан сўнг мен бошимни сиз тикиб қўйганим-

дингиз?

— Ҳа, нима, сизда тикишнинг сифатига бирон-бир эътироз борми?

— Йўқ, тикиш аъло сифатли, Фақат, бош меники эмас!

Эр хотинига ҳикоя қилаяпти:

— Биласанми, агар мен бирор қулғили нарсани кўриб қолсам, чидаб туролмайман, бошим силкиниб, қўлларим қалтираб қаҳ-қаҳа ота бошлайман.

— Ҳайронман, у ҳолда қандай қилиб ҳар кун эрталаб соқолингни оласан?!

ФИФА ХАБАРАЛARI
**ФИФА: КИМ КЕЙИН,
КИМ ИЛГАРИ**

Халқаро футбол федерацияси — ФИФА томонидан эълон қилинган миллий жамоалар рейтингига мамлакатимиз терма жамоаси кучли юзликдаги 65-ўринни банд этган. Соёбик СССР таркибида бўлган ҳозирда мустақил давлатлар — Россия терма жамоаси 21, Украина 31, Грузияликлар 64, Эстония 72, Литва 73, Арманистон 90, Латвия 94, Беларуссия 95 ҳамда Молдавия терма жамоаси 97 ўринни эгаллаган.

ФИФА рейтингига биринчи ўринда ҳамон Бразилия турибди. Мазкур терма жамоадан кейинги ўринларда Франция, Аргентина, Чехия ва Италия жамоалари бормоқда.

**«АВВАЛ СИЁСАТ,
КЕЙИН СПОРТ»**

ФИФА президенти Зепп Блаттернинг таъкидлашича, 2002 йилги футбол бўйича жаҳон чемпионати учрашувлари Жанубий Корея ва Япония қатори Шимолий Кореяда ҳам ўтказилиши мумкин.

Илгари Осиё қитъасида илк бор ўтказиладиган жаҳон биринчилиги Жанубий Корея ва Японияда ўтказилиши хусусида қарор қилинган. Лекин Корея ярим оролидаги икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланб бораётганлиги чемпионат ўйинларини Шимолий Кореяда ҳам ўтказиш мумкинлигига умид уйғотди.

— Бу мақсад йўлида ҳозирча ҳеч қандай қарор қабул қилингани йўқ, - деди Блаттер яқинда Токиода ўтказилган матбуот конференциясида. — Биринчи навбатда сиёсий эркинлик бўлиши зарур, спорт эса унинг ортида туради.

Халқаро футбол федерацияси раҳбари бу борада чемпионат дастурига ҳеч қанақа ўзгартириш киритилмаганлигини ҳам баён этган.

ШУНАҚА ГАПЛАР
**«РАЗВЕДКАЧИ»
НОНГА ЧУВ ТУШДИ**

Покистон ва Ҳиндистон давлат чегаралари ўртасида чегарачилар томонидан антенна ва радиодатчик ўрнатилган қирғий ушланган. Ҳинд ҳукуматининг фикрича, айғокчи-қирғий покистонликлар томонидан махфий маълумотларга эга бўлиш мақсадида тайёрланган.

Чегарачиларнинг айтишича, покистонликлар қирғийни чегара ҳудудларида парвоз қилишга ўргатишган ва шу йўл билан унинг айғокчилигидан фойдаланиб келишган.

Лекин айғокчининг нафси уларга панд бериб қўйди. Разведкачи қирғий чегарачилар томонидан қўйилган нон ва гўштни кўрган заҳоти ўзини тузоққа урди.

**ДИАНАНИНГ
СОВҒАСИ ЎҒИРЛАНДИ**

Мархум малика Диананинг соёбик хизматчиси унга ва Уэльс шаҳзодаси Чарльзга тегишли никоҳ совғасини ўғирлаганиқда гумон қилиниб қамоққа олинган ва сўнгга гаров эвазига озод қилинган.

Ўғирланган совға Баҳрайн амирининг Уэльс маликаси ва шаҳзода-сига шахсий тўхфаси бўлиб, у қимматбаҳо тошлар билан безатилган корабль макети эди. Маълум бўлишича, у оиладаги энг қимматбаҳо никоҳ совғаси ҳисобланар экан. Баҳрайн амирининг тўхфаси Диана вафот этгандан сўнг ўғирлаб кетилган. Қироллик оила аъзоларидан бирининг айтишича, ҳозирда мазкур иш юзасидан суриштирув олиб борилмоқда.

**КУЛГИ ЮРАКНИ
ДАВОЛАЙДИ**

Америкалик кардиологлар қулги саломатлик ва узоқ умр кўриш гарови эканлигини аниқлашди.

Мэриленд университети олимлари қулги ёрдамида ҳатто юрак хасталикларидан халос бўлиш мумкинлигини илгари сўрмоқдалар. Тадқиқотчилар юрак касаллигига чалинган 150 нафар бемор ва шунча соғлом одамлар ўртасида ўтказилган сўров натижаларини таққослаб, шундай хулосага келдиларки, юқоридаги хасталик билан оғриганлар соғлом одамларга нисбатан анча кам кулар эканлар.